

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

МУСТАҚИЛ ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИ



Ўзбекистоннинг бугунги ёш шоиралари: (чапдан ўнга) О. Тўракулова, Н. Йўлдошева, Г. Асқарова, Ш. Худойназарова, М. Тожимаматова.

СОҒИНИЧ

Кўнглим чирпирақдир шамолда,
Шамол тинмай ўйнайверади...
Олмалари ер билан битта,
Ҳовли мени кўмсайверади...
Суви пиширмоқчи бўлган чой идиш,
Таом қайнаётган қора ўчоқлар.
- Қани ўшал кулгуси кумуш,
Қани - дея мени сўроқлар.
Соғинчлари ер билан битта,
Бодомзорлар изларимга зор...
Муаттар бўйларин асраб хотирда,
Садда райҳонлар ҳам боқар интизор...
Ўшал мўъжазгина гўзал қишлоқда,
Мени соғинувчи битта нигоҳ бор...
Ойга яқин бўлган терак шоҳида,
Мен учун аталган битта титроқ бор...
Кезиб катта шаҳар кўчаларини,
Кўзларимга шодлик кувонч тақмадим,
Мунисим, онамнинг юрагидай кенг,
Улканроқ Ватанин топмадим...
Озода ТўРАКУЛОВА

МЕНИНГ ҚАДДИМ

БАЛАНД

Кўнглим гоҳ кулади, гоҳ қолар ўқиб,
Тимдалаб чиқади тунлари алам.
Баъзан етиб бормади қолсамда ОНА!...
Мен сизни деб яшаб юрибман.

Бўғдойлар қолсалар бошларин эгиб,
Эгатнинг бошида тикка ўтарман.
Менинг қаддим баланд ўқсиманг ОТА!...
Мен сизни деб яшаб юрибман.

Ҳечам чарчамайман - хизматингиздан,
Мана қаршингизда кулиб турибман.
Тангрим ато этган - жуфти ҳалолим,
Мен сизни деб яшаб юрибман.

Сенсиз ким бўлардим-арзимас одам,
Сенла она бўлдим муқаррам олам.
Эй, менинг жонимдай - жон азиз Ватан!
Мен сени деб яшаб юрибман.

Нигора ЙЎЛДОШЕВА

ОНАМГА

Дайравотни сув босибди-ку,
Отам дилтанг бўла бошлайди.
Отам дилтанг бўлгани сари,
Юракка дард тўла бошлайди.
Мен биламан, Дайравот-Онам,
Шунда бизнинг ризку-рўзимиз.
Отам кўлин қадоқ айлаган,
Кетмон эмас, бизнинг кўзимиз.
Дарёлардан, шавотдан ўтиб,
Отам даштга чиқиб келади.
Бағри каби кенг даласига,
Дардларини экиб келади.
Эй, Дайравот! Отам макони,
Дардим сенда кезиб юради.
Мен бўлмасам Отажонимга
Дарёлар чой дамлаб берами?!
Мен омонлик тилайман фақат,
Отамни сен асрагил, тангрим.
Омон бўлгин, омон бўл доим.
Дайравотда сув кечиб юрган,
Офтобларда куйган юрагим-
Омон бўл доим,
Отажоним!
Гулжамол АСҚАРОВА

ВАТАН

Ватан нима ўзи? Ватан нимадир?
Сукунат ямлайди сўроқларимни.
Сўроқлардан улкан, жавобдан улкан,
Дардлар эза бошлар қароқлар имни.

Ватан бешигимдир. Дунё уйига,
Йиғлаб келганимда овутган бешик.
Етмиш икки томир кенгликлариди,
Меҳр ундиролган суюк бир қўшиқ.

Кетсам олисларга онамдай кутиб,
Отамдай дийдорин соғинтиради.
Дунёда бир дард бор ҳеч чидаб бўлмас,
Ватансизлик ёмон оғринтиради.

Ватан жондай азиз ва лекин
Бевафо эмасдир, ташлаб кетмайди.
Жами яхшиларим кетсада мендан,
Ватан ҳеч хиёнат этмайди.

Шамсия ХУДОЙНАЗАРОВА

ЙУЛЛАРИНГИЗ ҚАЙРИМАДИР...

Қошинг ўзи қародир,
Ўсма кўйганинг ёлгон.

Халқ кўшиғидан

Бағрим ўзи яродур, сизга кўйганим ёлгон,
Сизни қачон суйибман, ёлгон суйганим ёлгон.
Келмасангиз келмабсиз, не қилардик бегижон,
Келарсиз деб қошларимга ўсма кўйганим ёлгон.
Оқ тоғлари кўк тоғлари, тушларимга киргайдир,
Кўк тоғларда оқ тулпорлар кишнаб-кишнаб юргайдир.
Чавандозинг қани десам "Оҳ" тулпорлар билмайду,
Тулпорларнинг ёлларини тараб суйганим ёлгон,
Бағрим ўзи яродир, сизга кўйганим ёлгон

Чўчиб- чўчиб уйғонмадим, чўчиб-чўчиб йиғламадим,
Йиғламасам кипригимга - намлар келди қайданам,
Хаёлларим чигал этдим сочларимни майдалаб,
Сочларимга осилгандир соғинчлари қирқ маржон,
Сизни қачон суйибман, ёлгон суйганим ёлгон.
Юзларимдан шамол ўпса, ўпса нетарми бегим,
Юрагимдан аламларим ювса кетарми, бегим,
Қошларимни туташтирсам туташарми йўлингиз,
Йулларингиз айирмадир айро ўтарми, бегим,
Агар бир кун қайрилсангиз жавоб бергайман омон,
Келарсиз деб қошларимга ўсма кўйганим ёлгон,
Сизни қачон суйибман, ёлгон суйганим ёлгон...
Мухтасар ТОЖИМАМАТОВА

ҚУВОНЧ ЎТКИНЧИ, МУСТАҚИЛЛИК АБАДИЙ

МУСТАҚИЛЛИК МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

1. **Мустақиллик, Эркинлик, Озодликнинг қадрига етиш керак деганда сиз нимани тушунасиз?**
2. **Утган саккиз йил давомида шахсий ҳаётингиз, ишингиз, оилангизда, Сиз яшаётган жойда рўй берган қандай ўзгаришларни алоҳида таъкидлаган бўлар эдингиз? Ватанимиз истиқболи, фарзандларингиз келажигини қандай тасаввур этасиз? Улар тақдирини ўйлаганда кўнглингиздан нималар кечади? Зиммангизда бу борадаги вазифа ва масъулиятни қандай ангайсиз?**
3. **Ўзбекистоннинг эртанги куни ва унда ўз ўрнингизни қандай тасаввур қиласиз? Ватанпарварлик ва миллий гурур-сизни нималарга даъват этади?**



ИШОНИБ ЯШАЙМИЗ



1. Ватанимиз мустақиллиги энг аввало бизнинг тафаккуримизни қопиллардан чиқариб, Халқимиз "У мумкин эмас, бу мумкин эмас" деган ман қилишларга кўникма ҳосил қилиб, аста-секин ўйламай, фикрламай яшай бошлаган эди. Натижада халқимизга хос бўлган тадбиркорлик, ижодкорлик, яратувчилик фазилатлари сустишиб қолган эди.

Мустақиллик кўмилаёган бўлоқлар кўзини очиб юборди. Менинг дадам Хайрулло Содиқов иқтисод фанлари номзоди. Ўзбекистон мустақил бўлиб, тадбиркорликка кенг йўл очилгач, маиший хизмат кўрсатадиган кўп тармоқли фирма ташкил қилди. Оиламиздаги барча фарзандлар ота касбини тутди. Иқтисодчимиз. Ҳозир ҳаммамиз бирга дадам ташкил қилган фирмада ишлаймиз. Ўзбекистонимизда ҳозир бундай фирмалар жуда кўп. Уларнинг сони ортиб, сифати яхшиланган сари, рақобат кучаяди ва бу рақобат иқтисодий, маънавий юксалиш асосидир. Фирмалар саводли, замонавий, ишбилармон сафни тарбияламоқда. Бугунги ҳамкасбларимиз 1991 йилнинг кузида довдараб, чўчиб иш бошлаган кишилар эмас. Пухта режа билан иш юритаётган кордонлардир. Мен тадбиркорликдаги бу ижобий ҳолатни ҳам

иқтисодий, ҳам маънавий юксалишимиз деб биламан.

2. Олий ўқув юртига кирганимда жуда кўп дарсликларимиз рус тилида эди. Тушунсам ҳам фикримни эркин ифода қила олмадим. Фанни яхши била туриб, тушунтириб бера олмаган пайтларим роса алам қиларди. Хўрлигим келарди. Юқори курсларга истиқлол шарафати билан она тилимизда гапириш бахтига муяссар бўлдим. Имтиёзли диплом билан тугатдим. Ишхонамда ҳозир барча ҳужжатларни ўзбекча тўлдирман. Ҳар гал "шукр" деб кўяман.

Мустақилликдан сўнг юрагимда бир кенглик пайдо бўлгандай. Орқамга бир тоғ келиб мени суяб тургандай. Хотиржамман, безовта эмасман. Иккита қизчам бор. Уларнинг келажиги учун дилимда хавотир йўқ.

3. Мен келажакда ўзим сармоя тўплаб алоҳида фирма очишни орзу қиламан. Дадам ўз маиший хизмат корхонасини менинг исмига қўйганлар. Мен ҳам ўз фарзандларим номида ўзбекча бир корхона бўлса, унда атлас сийлаб кийган, қошларига ўсма қўйган сингилларим оқшулардай сузиб юрсалар, дейман. Ишхонага "Тико"лар миниб келишса, "Бонжур", "Гуд мнинг" дея корхонамга кириб келган меҳмонларимизни ўнг қўли қўсида "Ассалому алайкум" дея қаршिलाётганимни истайман. Насиб этса, бу гўзал фурсатлар ҳам узоқ эмас.

Саида ШУКУРОВА,
Тошкент шаҳар, "Саида-сервис"
фирмаси бош ҳисобчиси

ОЗОДЛИК ҚУЁШИ ПОРЛАБ ТУРСА БАС

1. Мен баландпарвоз гаплар ишқибози эмасман. Мени кўпроқ амалий иш қизиқтиради. Шу сабаб мустақиллик, эркинлик, озодликнинг қадрига етиш деганда астойдил меҳнат қилиб бу кунги эркинлигимизни иқтисодий пойдеворини мустаҳкамлашни тушунаман. Шундагина ҳеч кимга қарам бўлмай меҳнатимиз самарасидан баҳраманд бўла оламиз.

2. Утган саккиз йил давомида шахсий ҳаётимда, ишда, оиламда катта ўзгаришлар бўлди. Менинг жамоа ҳўжалиги раҳбарлик қилаётганимга бу йил 10 йил тўлади. 28 ўшимда халқнинг ушбу ишончига сазовор, бўлдим. Шу-шу менинг оилам ҳам, шахсий ҳаётим ҳам, ишим ҳам бари жамоа ҳўжалиги билан увий боғланиб кетди. Оиламизда 4 та ўғил, 2 та қиз эдик. Оиламизнинг раҳбати, отақонимиз бизни меҳнатга, ҳалолликка, одамлар дарди билан яшагга ўргатиб келмоқдалар. Ҳозир ҳам у киши ҳўжаликдаги боғдорчилигимизни бошқариб турибдилар. Жамоа ҳўжалигида 2360 та хонадон бор. Ҳаммасининг турмуш шaroитини яхшилаш, улардаги ташаббус, интилишларни қўллаб-қувватлаш менинг асосий вазифамдир. Шу ниятда кейинги йилларда қатор ишларни амалга оширдик: 9 километрга газ қувурларини ўтказдик, 250 ўринли поликлиника, гузар, нововойхона, алоқа бўлими, почта, 1250 ўринли мактабни қуриб битказдик. 12 гектарли парник-иссиқхонамиз ишлаб турибди. Яна 480 ўринли боғча-мактаб, туғруқхона қўраямиз. Мен мамлакатимиз бўйича ютуқ ва ўзгаришлар ўрнига ҳўжалигимизда амалга оширган вазифаларимизни ҳўқоя қилаяпман. Чунки ҳар биримизнинг қўлга киритган ана шундай ютуқларимиздан мамлака-

тимиз янада тараққий топиб, истиқлолими мустаҳкамланади.

Биз ҳўжалигимизда фақат иқтисодий ишларнигина амалга оширмай, балки маънавий-маърифий тадбирларни ҳам ўтказиб тураемиз. Бундай тадбирлар II гуруҳ ногирони, жаҳон уруши қатнашчиси Йўлдош ота Фафоров раҳбарлик қилаётган "Шухрат" музейимизда ҳамда оталар чойхонасида амалга оширилади. Бундай тадбирлар натижасида жамоамизнинг кекса аъзолари ибратли ҳаётлари билан эртанги кунимизни яратётган ёшларимизга намуна бўлмоқдалар.

Шахсий оилам-аёлим ва 4 та фарзандимдан иборат. Фарзандларим ҳали мактабда ўқишади. Аёлим оилавий пудратга асосланган галлачилик бригадасида ишлайди. Мен кўпроқ жамоа ҳўжалиги ҳақида гапиришни ёқтираман. Чунки мени воёга етказган, тарбиялаган ҳамда юртга танитаётганлар мана шу ҳўжаликнинг камтарин, меҳнаткаш, ғайратли фуқароларидир.

3. Ўзбекистоннинг эртанги кунини ушбу катта оиламиз янада аҳил, янада бой бўлишида тасаввур қиламан. Мендаги ватанпарварлик ҳам, миллий гурур ҳам шу ҳўжалик аъзоларини ҳеч нарсадан сиқилмай бой-бадавлати яшашлари учун келажакда ёшларимиз спорт, санъат, маориф соҳаларида улкан ютуқларга эришишлари учун бор куч-қувватимни, идрокимни сарфлашга даъват этади. Айтаверса ютуқларимиз бир талай, қилишимиз лозим бўлган юмушлар ундан ҳам кўп. Ишқилиб юртимизда Озодлик қўёши порлаб турса бас.

Искандар ФОЗИЛОВ,
Тошкент вилояти,
Тошкент туманидаги,
Охунбоев номи жамоа
ҳўжалиги раҳбари

СОҒЛОМ АВЛОД МАРКАЗИ

"Соғлом она-соғлом бола" шиори остида қилинаётган улғувор ишлар халқимиз наслини яхшилашга қаратилган. Жумладан, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари учун Қарши шаҳрида "Она ва бола Скрининг" маркази иш бошлади. Марказ йил бошидан буюн аёллар ва чақалоқларни тиббий кўриқдан ўтказаяпти.

Марказ келгусида Қашқадарё вилоятларининг 4 миллионга яқин аҳолиси учун хизмат қилади. Она ва бола скрининг- оммавий тек-

ширув маъносини англатади. Марказ-туғма нуқсонли хомиланинг олдини олиш, хомилдорликни тиббий-генетик нуқтани назардан кўриқдан ўтказиш, ҳар бир туғилган чақалоқни 5-7 кун давомида туғруқхонадан қон анализини олиб махсус аппарат орқали текшириб соғлиги ҳақида маълумот беради.

Марказдаги усқуналар жамламаси она ва боланинг соғлигини муҳофаза қилиш, улардаги нуқсон ва касалликни олдиндан аниқлаб, аниқ ташхис қўяди.

Марказда айрим тиббий асбоблар етишмаслигига қарамаздан шу йилнинг биринчи чорагади 736 нафар хомилдор аёл ўз соғлигини муҳофаза қилиш учун ультратовуш аппарати назоратидан ўтказилди. Шулардан 217 нафари даволаниб шифо тоғди. Текширув жараёнида нуқсонли хомилалар борлиги қайд этилган беморларга вилоят ташхис қўйиш марказига йўланма берилди.

Хомиланинг нуқсонли эканини олдиндан аниқлаш, биринчи навбатда она қорнидаёқ даволаш имконини беради. Агар гўдак шифо тоғмаса воз кечилади. Бу эса нафақат аёлларимизни, балки давлатимиз

1999 - АЁЛЛАР ЙИЛИ

бюджетини ҳам катта чиқимдан асрайди. Маълумотларга қараганда вилоятда атиги бир ойда 20 нафар ногирон бола туғилиши қайд этилган. Бу эса ҳар йили 240-250 нафар ногирон бола туғилди дегани.

Бир сўз билан айтганда, марказ аёлларимизнинг соғлиги ва соғлом авлод яратиши учун хизмат қилиш билан бирга уларнинг ҳақиқий маслаҳаттўйи, бепул хизмат кўрсатадиган тиббий маслаҳатхонадир.

Ш. АШУРОВА

ЎЗБЕКИСТОН: ЯНГИЛИКЛАР ВОКЕАЛАР ҚОШИДА

● Тошкентдаги "Ўзэкспомарказ" да Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Урта махсус касб-хўнар таълими маркази томонидан ташкил этилган академик лицей ва касб-хўнар коллежларини жиҳозлаш учун режалаштирилган намунали ўқув хоналари, устaxonалар, кўргазмали ўқув куроллари ва тренажерлар кўргазмаси ташкил этилди.

4 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов мазкур кўргазма билан танишди.

- Мазкур кўргазмани ташкил қилишдан мақсад-фарзандларимиз камолати учун амалга ошираётган ишларимизни баҳолаш, камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш, сўнгра бундай синфларни бутун мамлакатимизга жорий қилишдир,- деди кўргазма билан танишув ниҳоясида Президент Ислам Каримов.- Бунда энг асосий масала мана шундай ихтисослашган синфларда таълим бера оладиган мутахассислар тайёрлашдан

иборат. Агар улар бўлмаса, бу усқуналар фақат экспонатлигича қолади, эзгу ниятларимизнинг обрўси йўқолади.

● "Кейс Европа" компанияси Президенти Леопольд Платтнер раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ташриф буюрди.

Меҳмонлар билан учрашувда мамлакатимиз Бош вазирини Ў.Султонов Ўзбекистон билан "Укйс" корпорацияси ўртасидаги ҳамкорлик йилдан-йилга барқарор ривожланиб бораётгани қувонарли эканини таъкидлади. "Кейс" раҳбариятининг "Ўқишлоқхўжаликчилик" компанияси билан алоқаларини янада кенгайтиришга қарор қилгани, ҳамкорликнинг бундан кейин ҳам юқори даражада давом этишига ишонч уйғотди.

● Хоразми вилояти, Урганч тумани, Фойбу қишлоғида истиқомат қилиб келётган туркман миллатига мансуб фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга мактуб йўлладилар. Унда жумладан мана бундай қўлиб сўзлари илҳор этилган:

"... Биз Урганч туманидаги Фойбу қишлоғида 220 оила, 2000 дан ортқ туркман миллатига мансуб аҳолини ташкил этаемиз. Биз ўзбек оға-иниларимиз билан аҳил яшаб келмоқдамиз.

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини юксалтириш, республикамизнинг газ саноатини ривожлантириш ва халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга қўшган салмоқли ҳиссаси ҳамда Ҳўжабод ер ости газ омборини қуриш ва ишга туширишдаги катта хизматлари учун ишчи хизматчилардан бир гуруҳи ҳукумат муқофотлари билан тақдирланди.

● Қадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ 1999 йилда республикамизда ўрта махсус, касб-хўнар таълими тизимини учун илк бир анги қурилиш ва тўдан реконструкция қилиш ҳисобига топширилаётган академик лицей ва касб-хўнар коллежларини сифатли қабул қилиш ҳамда 1999-2000 йилгича тантанали очиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши эълон қилинди.

● Жиззах вилояти Мирзачўл туманининг қозоқ миллатига мансуб бир гуруҳ зифилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга мактуб йўлладилар. Унда жумладан шундай дейлади:

"Ватанимиз мустақилликка эришганига саккиз йил тўлди. Бу-жуда қисқа муддат. Лекин шу давр мубайнида республикамизда оламшумул ўзгаришлар рўй

берди. Барча бунёдкорлик ишлари, катта ўзгаришлар шахсан Сизнинг раҳбарлигингиз ва раҳнаомлигингизда амалга ошганлигини билаемиз. Шунинг учун Сизга халқимизнинг чексиз миннатдорчилигини илҳор этаемиз..."

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Республикада жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, спорт соҳасида Ўзбекистоннинг шон-шўҳрати ва шарафини юксалтиришга қўшган салмоқли ҳиссаси ҳамда маънавий, жисмоний жиҳатдан соғлом ёш авлодни камол топтириш ва юқори мещаратта эга бўлган спортчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун Бекобод шаҳар Карата миллий федерацияси президенти **А. Абдумовлянов** 2-даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан, Ўзбекистон Республикаси Карата миллий федерацияси президенти **-З. Нафасов** - "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози" фахрий унвони билан тақдирландилар.

● Тошкентда республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг фаолият Дастури ва Низомини қабул қилинди.

УМР - ОМОНАТ, ҚАДР - АБАДИЙ

ТУРМУШ САБОҚЛАРИ

Гоҳида ноҳолис босилган битта қадамнинг асоратлари ҳақида ўйлаб қоламиз. Бордию ўша қадам ҳолисона босилганида ҳозир кўп нарса ўзгача маъно касб этган бўларди... Инсон табиати кизик: кимдир бир соатлик, бир кунлик ёким бир йиллик қандайдир арзир-арзимас манфаати учун ноҳолис иш тутди, бу билан одамийликка, жамиятга анча-мунча зарар етди. Ўша одам охири-оқибатда ўзининг ноҳуя иш қилганини тушунади, пушаймон бўлади, ўкинади. Афсуски, ўша хатога тузатиш учун вақт ўтган бўлади. Ўтган вақтни қайтариш эса ҳеч кимнинг қўлидан келмайди.

... Собит ака деган бир кўшнимиз бўларди. Юк машиналарини таъмирлайдиган заводда ишларди. У киши қариллик ёшига етгунича ўша заводда ишларди ва ўша ишхонадан кексалик нафақасига чиқди.

Заводда оддий ишчи бўлган одамнинг хонадонидида аҳолини тасаввур қилиш қийин эмас. Бироқ кўшнимиз Собит аканинг бирон марта ҳаётдан нолиганини, рўзгорий етишмовчиликлар ҳақида кўйиниб гапирганини эшитмаганман. Шунинг учун бўлса керак, Собит аканинг оиласи гарчи бой-бадавлат хонадон бўлмаса ҳам маҳалладаги обрўли хонадонлардан ҳисобланарди.

Собит ака оила бекаси Умринисо кенной билан жуда аҳил яшардилар. Улар оилада олти нафар фарзанд ўстираётганларидан мамнун эдилар ва худого шукроналар айтардилар. Фарзандларнинг ҳаммаси ўғил болалар эди. Собит ака ўз фарзандларининг яхши ўқишаётганидан хурсанд бўларди. Гоҳида, худого бизга биттагина қиз бермади, кеннойнинг бечорага ёрдамчи бўларди деган гапни ҳам айтиб кўярди.

Оилада ўсаётган бош фарзанд Тоҳиржоннинг ўқиши айниқас мақтовга сазовор эди. Қисқаси, ана шу Тоҳир 70-йилларнинг ўрталарида ўрта мактабни аъло баҳо билан тамомлади. Олтин медаль деган нарсани ололмади, лекин унинг ўшанақча имтиёзга эга бўлган болалардан кўра яхшироқ ўқиганини маҳалладошлари яхши билишарди.

Шундай қилиб Собит акалар оиласининг тўнғич фарзанди Тоҳиржон ўрта мактабни битириб, Тошкентдаги Алоқа институтига кириш учун ҳужжат топширди. Имтиҳон топшириш мuddати етиб

келганида учта фандан "5" баҳо, иккита фандан "4" баҳо олди. Оила бошлиғи Собит ака ўша кунларда ўғлининг институт талабаси бўлиши кунлари тезроқ келишини интиқлик билан кутиб, ҳаяжонланиб-энтикиб юрди. Бирок...

Маҳалламизда илмли-зиёли одамлар кўп эди-ю, улар орасида бир доцент бўларди: у киши худди ўша Алоқа институтидида ишларди. Айрим сабабларга кўра у кишининг исми-шарифини аниқ айтмай кўя қоламиз ва "маҳалладош доцент" деб ёзаверамиз. Тоҳиржон имтиҳонларни



топшириб, ўзининг мандат комиссиясида ўтишини кутиб юрган кунларнинг бирида факультет декани уни ўз хузурига чақиртирди. Декан абитуриент Тоҳир билан озгина суҳбатлашади. Маҳалламиз ўша йилларда янгидан пайдо бўлган кишилик хонадонлар ҳам бир-бирларини яхши танимасдилар. Бу нарса институт факультетини декани билан абитуриентнинг суҳбатидан ҳам маълум бўлди.

- Тоҳир Зокиров деган абитуриент сизмисиз? - деб сўрайди декан абитуриентдан.

- Ҳа, менман, домла, - дея жавоб беради абитуриент.

Ийгитча деканнинг саволига жавоб бераётганида дилида қандайдир илликлик, хурсандчилик қайфиятини туйди. Чунки декан дейилган худди шу одамни Тоҳир ўз маҳалласида бир неча бор кўрган эди. Худди шу одам юқорида эслатганимиз, "маҳалладош доцент", эди!

Маҳалладош доцентнинг абитуриентини нима мақсадда чақиртиргани ва ўша

суҳбат лаҳзаларида нималарни ўйлагани бизга қоронғу, албатта. Аммо у негадир ўзининг Тоҳирга ҳаммаҳалла эканини ҳам яширмайди.

- Битта маҳалламан эканмиз, ийгитча, баҳолингиз умуман ёмон эмас - 23 балл. Отангиз қаерда, қанақа вазифада ишлайдилар?

- Адам ишчи, заводда ишлайдилар, - дея жавоб берди Тоҳиржон. Жавоб бера туриб деканнинг ҳаммаҳалла экан, жавобимдан қониқсалар керак, деб ўйлайди-да, маҳалладош доцентнинг юзига термулиб қарайди. Аммо, негадир доцентнинг юзифодасидан ҳеч қандай маъно сезолмай қайрон бўлади.

Вақти етиб мандат комиссиясининг ҳусласлари эълон қилинади. Аммо кўшнимизнинг ўғли Тоҳир мандатдан ўтолмайди - талаба бўлолмайди. Мандат бўлиб ўтган кунларнинг эрта-индинга Тоҳир бир амаллаб деканнинг хузурига киради ва ўзининг хайронлигини изҳор этади. Чунки Тоҳир билан баробар балга эга бўлган абитуриентларнинг барчаси талаба бўлиб улгурган эди!

Маҳалладош доцент Тоҳиржонни сувуқонлик билан қаршилайди ва:

- Хафа бўлмайсиз, ука, шунақа бўлиб қолди, - деган гапни айтади. - Агар кўп десангиз институтнинг кечки курсига ўтказиб қўямиз, ўқийверасиз... Бордию ўқишни хохламасангиз келгуси йили қайтадан имтиҳон топшириб кираверасиз. Ҳечқиси йўқ, хали ёшсиз-ку", - дейди.

Тоҳиржон ўша лаҳзаларда ўзининг ўрнига қандайдир бирорта бойвачанинг

фарзанди ўқишга кирганини ҳис этади. Иззат-нафси, лат еган йигитча маҳалладош доцентга ҳеч нима демай чиқиб кетади... Кўп ўтмай ҳарбий хизматга чақирилди. Ҳарбий хизмат йилларида Тоҳиржон Ҳарбий қурилиш билим юртига киради. Тўрт йиллик билим юртини тугатганидан сўнг мутахассис zobитнинг ўз соҳаси бўйича хизмати бошланади. Ўша йилларда Тоҳиржон Ўзбекистондан ташқаридаги юртларда ўйланади. Ва шундан буён унинг хизмати ҳам, оилавий ҳаёти ҳам ўша тарафларда кеча бошлайди.

Бу орада ҳаёт деб аталмиш кенг кўчада яна анча-мунча ўзгаришлар содир бўлди. Қўшнимиз Собит ака бундан ўн йиллар муқаддам миокард инфаркти касали билан оғриди ва бир мунча вақт ётиб вафот этди. Эҳтимол унинг касалга чалинишига тўнғич ўғли Тоҳиржоннинг келажаги ота-она орзусидан ўзгача кечаётган ҳам маълум даражада сабаб бўлгандир.

Шуниси кизикки, бундан бир неча йил муқаддам маҳалладош доцент ҳам юрак оғриғи касалига дучор бўлди. Бирор йил давомида кўл-оёғининг бир тарафи ишламай ётиб, у киши ҳам бу ёруғ оламин тарт этди. Тавба, тавба, минг тавба! Шу воқеалар ҳақида ўзимча мушоҳада юритиб, айтилган одамларнинг ҳаётлари бошқача кечиши ҳам мумкин эмасмиди, дея ўзимга ўзим савол бераман.

Масалан, Тоҳиржон Зокиров Тошкентдаги Алоқа институтини битириб, ҳозирги мустақил мамлакатимизнинг мутахассисларидан бири бўлиб ишлаб юриши мумкин эди-ку! Ушанда кўшнимиз Собит ака ҳам эҳтимол ҳали-бери касалликка чалинмасди, юрағида армон билан ўлмасди.

Ўш, маҳалладош доцент-чи? Агарда у ўша дастлабки учрашувдаёқ, Тоҳиржонга устозлик қўлини чўзиб, ҳолисона ёрдам берганида Тоҳиржон унга чинақам шогирд бўлиб қолмасмиди? Умр деганлари шунчалик омонат экан, маҳалладош доцентнинг катта-кичик маъракаларида шогирд Тоҳиржон ҳам гўёки бир фарзанддек бел боғлаб хизмат қилиб юрса ярашмасмиди?!

Ҳа, ростдан ҳам кишининг умри-омонат, кадр-қиммат эса абадий яшар экан. Бироқ Оллох берган омонат умрни қандай ўтказиш ва ўзидан кейин қанақа кадр-қиммат топиш ҳар бир инсоннинг ўзига, феъли-атвориға боғлиқ экан.

Оқилжон ХУСАН

ТЕЛЕФОН КЎНФИРОҚЛАРИНГИЗДАН БИРИ...

- Алло редакциями? Сизларга қачондан буён хат ёзим келади. Лекин умрида ҳали хат ёзмаганим учун бу ишга сира ботинолмаяман.
- Бизга нима ҳақида ёзмоқчийдингиз?
- Ҳаётим ҳақида...
- Ёшингиз нечада?
- 18 да, тиббиёт билим юрти талабасиман...
- Ҳўш, шундоқ навқирон ёшда нима сизни бевозта қилапти?
- Уйда кичиклигимдан менга совуқ муносабатда эканликларини сезардим.
- Кимлар сизга бундай муносабатда бўлишади?
- Аввало онам, кейин отам. "Қиз болани урмайдилар, Урсалар бахтсиз бўлармиш", - деган гап бор. Лекин онам ҳам, отам ҳам ҳозиргача мени уришади, қарғашади...
- Балки айб ўзингиздадир? Шўҳдирсиз, бебосдирсиз, улар айтган йўл-йўриқдан юрмасиз? Ахир ота-она фарзанди учун ҳеч қачон ёмонликни раво кўрмайдик-ку... Шунинг учун уларга нисбатан ўзингизнинг муомала-муносабатингизни ўйлаб кўринг? Қарс икки қўлдан чиқади, дейишади-ку...
- Менимча мен уларга ўғай бўлсам керак...
- Нега бундай деяпсиз?
- Буни менга бир йил олдин бир одам айтганди.
- Аввало бу гап асоссиздир. Оилада неча фарзанд-сизлар?
- Акам ва укам бор.
- Ота-онангиз уларга нисбатан ҳам қаттиққўлими?
- Йўқ. Фақат менга ўқатишгани ўқатишган...
- "Мен сизларга ўғайманми?" деб сўрадингизми.
- Қандай қилиб сўрайман?
- Бувингиздан сўраб кўринг бўлмаса.
- Бувинжоним менга жуда меҳрибон эдилар. Лекин бу дунёдан ўтиб кетдилар.
- Холангиздан сўраг, бўлмаса...
- Холам ҳам онамининг худди ўзиганаси, сўрай олмаيمان, у кишидан.
- Майли, қандай бўлмасин, ота-онангиз сизни боқиб ўстиришапти. Улар кўнглини оғритиб қўйманг. Катта қиз бўлиб қолибсиз, турмуш қуриб кетсангиз хали бу кунлар унутилади ҳам...
- Шу кунларда "Энди эрга берамиз", - деб ҳам ҳол-жонимга қўйишмапти-да...
- Тиниб-тиниб, ўзингиздан қўлайиб кетишингиз

"ОИЛА ВА ЖАМИЯТ"ГА...

ни кўзлашади-да, улар ҳам. Бу гапдан сира хафа бўлманг.

- Ахир менинг ўзим хоҳлаган одамим бор-ку...

- Булмаса унга айтинг, совчисини тезроқ юборсин...

- Ҳозир уларнинг иложи йўқ. Аввал опасини чиқаришлар керак эмиш. "Бирон йил сабр қил", - деяпти...

Ота-онамга мени бунча шоширманлар, ўқишмини тугатай сўнг, майли", - десам тушунганин исташмайди, кўнглимни оғритишгани оғритишган...

- Ҳақиқатдан ахволнингиз қийин экан...

- Ота-оналарга айтганим гапим бор. Газета орқали etkасангиз, илтимос...

- Марҳамат айтинг.

- Азиз ота-оналар, ўзингизга ҳурмат истасангиз фарзандларингизни ҳам ҳурмат қилинг. Ҳали ёш, ҳеч нарсага фаҳми етмайди, деб кўнглини оғриварманг. Масалан: Мен онамга кўнглимдаги дардини айттолмайман. Фарзандингизга шундай муомалада бўлингки, у сиздан сирини яширмасин, Сизга ишонсин, Сиздан маслаҳат-мадда олсин. Айниқас қиз болаларга меҳрибонроқ бўлинг...

- Исмингизни ҳам айтмадингиз.

- Шарт эмасдир. Майли, Н. деб кўя қолинг...

Биз меҳрга, муҳаббатга ташна Н. қаби қизларимиз ўз уйларида ҳам, катта ҳаёт йўлида ҳам меҳрибон, ҳамдард, ҳамфикр одамларга йўлдош бўлишларни талаб қоламиз...

МАҚТУБЛАРИНГИЗДАН БИРИ...

Азизам "Оила ва жамият" рўзномаси. Мен сени ҳар гал интизор бўлиб кутиб, ўқиб бораман. Сени ўзининг дардашим, сирдошим деб биламан. Мен ҳам ўз дардларимни ёзишга қарор қилдим.

Оилада 6 фарзандимиз. Ёшим 23 да. Худого шукр барчамиз оилалимиз. Мен азиз, мунис аёллар дардларини ўқиб дархол ойижонимни ўйлаб кетаман. Оиламиз хавас қилса арзигуллик ўзига тўқ оилалардан. Дадажоним савдо соҳасида ишлайди. Ойижоним ўй бекаси. Дадажоним оғир, босиқ одамнинг юзига қараб дардини англаб олувчи ажойиб инсон. Лекин бир айби бор-икки хотинли. Демокриманки, ойижонимни кундошлари Бор. Уйимизда йўқ нарсани ўзи йўқ. Лекин кундош балоси жуда ёмон бўларкан. Уйимизда тинчликни бузиб турувчи бирдан-бир сабаб мана шу деб биламан. Дадамни иккинчи хотинидан ҳам бир ўғилчаси бор. Баянда ойижоним-

нинг ҳол-аҳолига қараб туриб дадамдан нафратланиб кетаман. Лекин ўйлаб туриб у кишига раҳиман ҳам келади. Уртада бола бўлмаганда балким алоқани узган бўлармишлар. Уғилчалари уйимизга келиб юраверди. Унда нима гуноҳ, айби йўқ, деб ёмон гапирмайсиз. Лекин ойисини кўргани кўзимиз йўқ. Ўзимиз беш қиз, бир ўғилмиз. Барчамиз ўзимиз танабл севиб турмуш қурганмиз. Бунинг учун ота-онанимиздан бир умр миннатдоршиз. Дадам укамга: "Ўғлим барча феълларинг менга ўржайди, лекин менга ўхшаб ўйламай қадам босмагин", - дейдилар. Биз-ку уйга баъзида бориб қўлини билмаймиз, лекин укам шўрликка қийин. Ойижонимни қон босими тез-тез кўтарилиб туради. Дадамга бир нима дегани ийманамиз барибир отамиз-ку. Иккита оилани боқаман деб сочлари ҳам тўқила бошлаган. Дарди ичиди. У суяқоёқнинг биринчи эридан иккита балоси бор. Уларни ташвиш ҳам дадамни елкаюйда. Қариган чоғларидаям шу азобда ўтадимизкан, - деб биз сикиламиз. Укам шўрликнинг ҳам жони азобда-қийналади. Суяқоёқ билан уришай десам, дадам, "Жанжалга тоқатим йўқ", - дейдилар. "Билмайин босдим тиканни, тортадурман жабрини", - мақоли гўёки дадам учун айтилгандек. Азиз эркакларга маслаҳатим: "Оёқ остини қўзламаг, дадамларни қўйга тушиб қолманг. Сизни деб фарзандлар ҳам бир умр азобда яшамасинлар. Беғона аёлга кўз олайтиргунча ўз аёлингизга меҳр беринг ва ундан ҳам шунини талаб қилинг"... Дадажонимни ёшлари 55 да. Ўша ўғилчаси учун номига уй, хусусий магазин олиб берган. Суяқоёқникига боргиляриям келмайди. Лекин у телефон орқали чақириб олишдан қарчмайди. Дадам кейинчалик ўғлимдан мол-мулк талаб қилиб қийнаб қўймагин, деган ниятда барча нарсани муҳайё қилиб қўйганлар. Билмадим, яна нима керак экан унга. Дадамнинг тенгурлари маза қилиб қарилки гаштини суриб, тинч-тотув ҳаёт кечираяптилар. Дадам эса ҳали ҳам ишдан бўшаймайдилар. Иккита рўзгорини кам-кўстисиз боқисини ўзи бўладими? Ахир одамзода ўзи қисқанига умр берилган бўлса. Бизнинг оиламиз ҳаёти мисолида бошқа барча эркаклар ўзлари учун ҳулоса чиқариб олишларини истардим. Чунки "Сўнгги пушаймон - ўзингиз душман", - деб бежиз айтишмаган.

У.О., Фаргона вилояти.

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Гапларимни эшитиб эримнинг бироз кўнгли юмшади. Ёнимга келиб кўз ёшларимни артди-да, секингина гап бошлади.

"Зебо, агар мен сени ёмон кўрганымда Тошкентга олиб келмаган бўлар эдим. Биласанми, барибир бир кун эмас, бир кун қишлоққа кетамиз. Ўша ерда бирга яшаймиш. Ҳозирча эса сен билан яшашнинг иложи йўқ. Шундай қилмасам бўлмайди. Тушунсангчи". Эрим бирпас жим бўлиб ўйланиб қолди-да, кейин яна гапида давом этди. "Ўтган сафар қишлоққа борганимда отам уйга қайт, деб койиғанди. Шунда мен отамга "шаҳарда савдо қиляпман, ишларим яхши. Уй, машина олдим, дегандим. Агар ҳозир мен сени десам, пул, машина, уй-жой, ҳаммасидан ажралиб қоламан, Зебо. Ҳозир менга булар ҳамма нарсадан зарур. Агар пулинг бўлмаса, ишинг битмайди. Ҳозир қай йўл билан бўлса ҳам, мол-мулк орттириб олсам, қишлоққа борганимда ҳаммадан зўр яшайман. Яхшигина лавозим эгаллайман, даңгиллама уй-жой қураман. Ҳозирча эса менга пул, фақат пул керак. Тушундингми? Бўлди, чарчадим. Мендан бошқа ҳеч нарса сурама. Бўлмаса ҳозир жажлим чиқиб, ўзимни босолмай қоламан"...

Эримга ўрин солиб бердим. У ухлагани ётди. Мени эса уй-хаёл тарк этмас эди. Мен бугун эримнинг қалбини бир четини кашф қилган эдим. Аҳрор акамни пулга ўчлигини авваллари ҳам гап-сўздан сезар эдим, аммо шу қадар бойликка ружу қўйганини, ҳатто оиласи, бола-чақасидан кечиб бўлса-да, унга эғалик қилишга, интилишини билмас эканман. Нега энди бизни деса, уй-жой, машина ҳаммасидан ажралиши керак? Бу ерда қандайдир жумбоқ бор, шекилли? Уйланган сари ўйимнинг охирига етолмас эдим. Тонг сахар эрим ўрнидан туриб кетаётди: "Уйда ўтириб зерика-ётган бўлсанг, сен ҳам ишла, пул топ. Паспортингни берсанг, мана шу уйга рўйхатга қўйиб келаман", - деб қолди. Индамай паспортимни чиқариб бердим. Бирор ҳафтада ҳал қилиб келаман, деганича, эрим уйдан чиқиб кетди. Ўшанда мен эримни охириги марта кўраётганлигимни ҳали билмас эдим. Орадан икки кун ўтди. Эрталаб кўча эшик кўнғироғи чалинди. Эшикни очдим. Қарасам, бир бегона аёл турибди. Салом бериб, уйга таклиф қилдим. Негадир бу нотаниш аёл кўринишидан менга ёқмади. Чехрасида озгина бўлса-да, аёлларга хос самимият, латофат йўқ эди. Худди бировдан ўчини олгани келгандай важохати ёмон эди. 35 ёшлар чамасидаги бу аёл билан танишишимиз менинг кейинги ҳаётимни остин-устун қилиб юборган эди.

ЧИРОЙЛИ БАХТНИ ОРЗУ ҚИЛГАВАДИМ...



"Менинг исми Ма-стур. Мен Аҳрор ақанинг биринчи хотини бўламан". Бехосдан айтилган сўзлардан биров бошимга гурзи билан ургандай гандирақлаб кетдим. Аёл бир баҳя жим қолди. Чамамда, у ҳозир мени туриб ёқамдан турлайди, деб ўйлаган экан. Тошдай қотиб турганимни кўриб, гапида давом этди. "Ҳа, нега рангингиз оқариб кетди. Эшитмаганмидингиз? Агар билсангиз, эрим сиздан олдин менга уйланган эди. Ишонмасангиз қайнона, қайнотангиздан сўранг. Улар ўглининг хотини, боласи бўла туриб яна уйланишга мажбур қилишди"... Аёлнинг бу гапини эшитгач: "Йўғ-э, қайнонам билармиди?" - деб юборибман.

"Ҳа", - деди аёл. Улар билан биз бир-биримизни кўрганмиз. Аҳрор ака билан биз бирга савдо қилардик. Асосий пулни мен топардим. Кейин ўртада бола бўлиб қолди. ЗАГСдан ўтдик. Аҳрор ака мени ташлаб кетмасликка олт инди. Кутилмаганда ота-онаси уйга қайт, уйлантирамиз, деб қолди. Ўша пайтда мен ҳомиладор эдим. Аҳрор ака бор гапни-фарзанд кутаётганлигини айтган эди. Уларнинг мақсади элу-юрт олдида тўй қилиб, келин олиш, ўглини шаҳардан туғилиб ўсган жойига, ўз бағрига қайтариш эди. Бир кун Аҳрор ака: "Мастура, ота-онам қариб қолдилар, улар менинг бошимни иккита қилиб, олдиларига хизматларини қилиб юрадиган келин олишмоқчи. Ўзингиз биласиз, мен кичкина ўғилман. Ота-онамининг барча умиди мендан. Мен уйланаману, келинни ота-онамининг хизматида ташлаб, тез кунда шаҳарга, олдингизга қайтиб келаман", - деб менга ваъда бердилар. Ҳаётимни сиз билан бир умрга боғлаганман", - деб сўз берганлари учун мен унга ноилож рухсат берган эдим. Сиз жиянингизни туғилган кунига кетган кеча эрим менга телефон қилиб, Тошкентга қайтишини айтган эди.

Кундошим ҳар бир гапи менинг юрагимга ханжардек ботиб, юрагимдан лахта-лахта қон, кўз ёшларим оқаётганини билиб турса-да, бирпас гапиришдан тўхтамасди: "Сиз уйингизга аразлаб кетган кеча эрим меникига кириб келганди. Шундан бери яна бирга яшамоқдамиз. Лекин уни тез-тез сизни эслаб гапириши менга тинчлик бермасди. Шунинг учун мен уни ота-онасиникига камроқ жўнатишга ҳаракат қилардим. Шунда ҳам "хотинингиз кўлимини теккизмайман", - деб қасам ичгандан кейин рухсат берардим. Кейинги боришда отаси "хотинингни олиб кетасан, ёки ўзинг ҳам уйга қайтасан", - деб туриб олибди. Шунинг учун сизни бу ерга олиб келиб қўйдилар. Лекин мен барибир сиз билан яшашга қўймайман. Бу ерга ҳам келгани мен қўймайман. Энди билдингизми? Қани, кунда келибам кўрсин-чи, нима қиларканман. Тагидаги машинаси, мана шу уй, ўртадаги пул ҳаммаси меники. Мен олганман. Эримнинг ҳам, сизнинг ҳам бу уйда заррача ҳақингиз йўқ. Кеча рўйхатдан ўтаман, деб паспор-

тингизни бериб юборибсизми? Эримга тегиб олганингиз етмагандай, нима, энди уйимга эғалик қилмоқчимисиз? Мен сизга кўрсатиб қўяман. Қани эртагаёқ бу уйни бўшатиб қўйинг"...

"Ҳайдамасангиз ҳам кетаман, уйингиз ҳам, эрингиз ҳам ўзингизга буюрсин. Кетаман. Эрим билан орамизда одам борлигини сезардим, лекин эримни ҳам, қайнона-қайнотамнинг ҳам менга нисбатан бунчалик паст кетишини, инсон қисматида бунчалар кўғирчоққа қарагандай қарашини кутмаган эдим", - дедим. Кўз ёшларимни артиб, бегона аёлга болаларча нафрат ва кўркув аралаш тикилиб турган қизларимни бағримга босдим.

Ҳозирок, чиқиб кетинг, - яна ёпишди кундошим. - Сиз бу ерга келганингиздан бери топган тутганимда ҳам барака йўқ. Мен сизни, болаларингизни боқшини қафилимга олганман. Кейин Аҳрор ака "Зебога кўлимини ҳам теккизмайман", деб қасам ичганди. Кичкина қизингизни кимдан орттиргансиз?!"

Ўзи ҳам аёл бўла туриб, аёл қалбини, изтиробини заррача тушунмайдиган, ҳамма нарсани пул билан ўлчайдиган бу шафқатсиз аёлнинг ҳамма гапини "тош" бўлиб эшитишга чидадим, аммо бу ҳақоратга чидай олмадим. Қайси куч билан сакраб туриб башарасига шапалоқ тортиб юборганимни билмай қолибман. Бир пайт юзимга келиб тушган мушт зарбидан бўйим баробар ерга ағнаб тушдим.

Аёвсиз тепки, бошимга тушаётган зарбалар оғригидан ўзимдан кетиб қолибман...

Қанча пайт беҳуш ётдим, билмадим, бир маҳал қизларимнинг қаттиқ чинқиргидан ўзимга кела бошладим. Кўзимни очсам ҳаммаёғим қон, болаларим йиғлайвериб кўкариб кетишган. Ким мени шу аҳволга солгани эсимга тушди-ю, яна кўзларимга аччиқ ёш келди. Ўрнимдан турмоқчи бўлдим, гавдамни кўтара олмадим. Аъзойи баданим калтак зарбидан қақшарди. Катта қизим (икки ёш эди) Эъзога кўзимдан оқаётган ёшлар билан юзимдаги қотиб қолган қонни арта бошлади. Мен эса қизларимни бағримга босганча ҳали йигирма баҳорни кўрмасдан бу бевафо дунёнинг жабру-ситамларидан эгилган қаддимни кўтара олмай йиғлар эдим.

Шу алфозда уч кун ўтди. Оғир аҳволда ётганимга қарамасдан, негадир бу сафар менинг алданган кўнглим эримнинг келишини кутмас, аниқроғи истамас эди. Чунки, менга унинг уч йилдан бери қоронғу бўлган ночор кўнглидаги ниёти аён эди. Энди мен ундан меҳр кутмас, аниқроғи, инсон қиёфасида юрганларнинг ҳаммасидан ҳам бу азиз туйғуни кутиб бўлмаслигини англаб етган эдим...

Тўртинчи кун бу қаро қисматимдан бош олиб, болаларимни етаклаб уйдан чиқиб кетдим.

Автобусда кетаяпману, ўша оппоқ орзулар оғушда 17 яшарлигим эсимга тушди. Агар ўша пайтларда биров менга: "Сен фарзандли эркакка иккинчи хотин бўлиб эрга тегасан, тақдирингда мана шундай оғир қунлар бор", - деганида ўша заҳоти юрагим ёрилиб ўлиб қолишга ҳеч гап эмас эди. Лекин ҳозир мени ўлишга ҳақким йўқ. Чунки, ҳали менинг бу дунёдан илинжим-болаларим бор эди. Аммо, шунга қарамасдан мен маънан ўлган, фақатгина вужудим билан ота-онамникига кетиб бораётган эдим...

Уйга кириб борганимда, аҳволимни кўрган онамининг юраги оғриб қолди. Отам доктор чақириб, мени ва онамни касалхонага ётқиздилар. Докторларни айтишича, аҳволим анча оғир экан. Калтак бутун ички аъзоларимни эзиб ташлаган. Организимдаги касалликка қарши курашадиган "имунитетим" камайиб кетган, қондаги гемоглобин моддаси ва қон босимим ҳам жуда пасайиб кетган эди. Касалхонада ётганимда, етти кун деганда мени ташқарида бир аёл қақираётганини айтишди. Чикдим. Қарасам қайнонам экан. Салом бердим. "Сизни кўргани келувдим, келин"... Ҳеч нарса кўрмагандек қайнонам жилмайиб турарди. Мен эса ғазабдан ўзимни босолмасдим. Чунки ўзбошимчалик билан уйланган ўглини ўз бағрига қайтариш учун бировнинг гулдай қизини тақдирини гаровга қўйган қайнонамдан ҳам дилим қаттиқ ранжиган эди.

"Мен энди сизнинг келинингиз эмасман, - дедим қайнонамнинг юзига қараб. - Сизга савол берсам майлими? Қани айтган-чи, сиз кўра-била туриб менга раво кўрган "бахтни" ўз қизингизга ҳам раво кўрармидингиз? Қайнонам индамади. Мен эса гапимда давом этдим. Агар Оллоҳ таоло менга ҳам умр бериб, сизга ўхшаб қариб юришни насиб айласса-ю, лекин иймон бермаса, мен бундай умрни қайтариб олишини Яратган Эгамдан илтижо қилиб сўрардим. Хайр", - дедим-да, югурганча хонага кириб кетдим.

Касалхонада шу ётганча қирқ кун қолиб кетдим. Кейин тузалиб уйга чиқдим. Шу билан менинг қора қисматим ҳам ўз якунини топди. Шунга ҳам, мана бир ярим йил бўлди. Яқинда қишлоқда гап тарқалди.

Аҳрор оёқ-қули ишламай, шол бўлиб қолган эмиш. Шаҳарлик хотини мени ташлаб кетмасин, деб дуо қилиб, едиравериб, охири эрининг соғлигини тавом қилибди. Шол бўлиб қолган, эса эрини машинага солиб, таксичини қўлига адресини бериб жўнатиб юборибди. Ҳатто ўзи олиб ҳам келмабди!... Аҳрор ҳозир онасининг уйида ётган эмиш...

Бу воқеани эшитиб дилим ларзага келди. Ва мен шу ҳақиқатни англаб етдимки, бировнинг дилини қаттиқ ранжитган инсон ҳеч қачон камолга етмас, у ҳам эртами, кечми бу дунёдан ўз муқофотини олар экан...

Забонинг дил изҳорини Нафиса АННАЕВА ёзиб олди.

МОЛИ ЙЎҚ ДЕБ ЭРДАН КЕЧМА
 “АСЛИДА ЭРКАК ОЖИЗ ЭМАСМИ”-16-сон

Биз эркаклар жаннат парилари бўлган кекса-ю, ёш охирига аёлларимизни, дилбар қизларимизни доимо эъзозлаймиз. Ахир шулар борки олам мунаввар. Аёл кулса олам кулайди. Аёлсиз ҳаёт зимистон кеча. Тошкентлик Малика Исмоилованинг юқоридаги сарлаҳа остида айтган ҳаққоний гаплари қўлимга қалам олишга ундади. Келинг ҳаётимдан гапирмай қўялолайда, эркакларни айниқса оталарни юракларидиға (димлиниб) баъзиларга аён бўлмайдиган (ички) кечинмаларини оққа кўчириб қўялолай. Оилали эркак уйим-жойим, рафикай, болам дейди. Ишлайди, пул топади, рўзгор тебратлади. Хонадон бекаси эри ишдан хориб келганда: “Ассалому алайкум, чарчамай яхши ишлаб келдингизми?”, - деб кутиб олиб, уни хурсанд этгани қандоқ яхши. Ишга жўнатишда ҳам хотин ўз эрига: “Яхши бординг, вақтли келинг адаси, болаларингиз соғиниб ўтиришадиган”, - деса. Ёш келинчак бўлса, “Кўзимни тўрт қилмай, ишдан тўғри уйга келинг”, - деб кузатиб қўйсая, кўчадан келган эрини, қўлидаги юкчини олиб, унга уй кийимларини берса-ю, кўрпача тўшаб ёнбошланг, дам олинг, ҳозирок чой келтираман деб, мулойим гапирса, қайси номард эр, хотини олдига келишга шошилмайди ахир. Аёл кўнгли нозик, билсангиз эркакни эса ундан-да нозик. Шуну унутмайликки эркак юз ёшга кирса ҳам худди (ёш боладек) яхши гапни гадоси бўлиб қолаверади. Кўча кўрган эркак сифат баъзи аёллар ҳам бор. Улар ҳали ёшлигиданок бўлари бўлиб бўлган. Уларга номигагина эр керак хо-

лос. Баъзи аёллар ҳам борки эрини болаларига ёмонлайвериби, охири ўзини эрдан, болаларини отасидан ажратиш ташлайди. Бундай аёлларни ҳеч ким тўғри йўлга сололмайди. Унинг шайтон йиғиси, ҳатто Куръонни қўлига ҳам олиб, уятчан, ожиз эрни лойга қоригани қориган. Булар ҳар қандоқ эркакни тезда қўлга оладилар. Ожиз эр гуноҳкор. Қарабсизки бир уйда, эр ўз ҳолича, хотин ўз ҳолича яшайдилар. Эркак пенсионер бўлдимиз тамом. Хотинга энди эр керак эмас, ҳар куни жарақ-жарақ пул топадиган (уйнаш) ёки иккинчи эр керак. Ҳаётда бор гаплар шу. Эр ишданми-кўчаданми келдимиз уни яхши кутиб олмади: “Ҳа қаерда эдингиз, келардингиз бир кун, ўлар бўлсам ўлиб бўлдим уйда ўтиравериби. Одамларни хотинига қўйшаб, “гап”га қўшилмасам, ўлиб кетсин шу диққанга-фас уйингиз ҳам. Сиз бўлсангиз мудоом чойхонага, ошга югурасиз. Керак эмас менга бунақа ҳаёт. Қимлар билан юрасиз, вақтингизни чоғ қилиб. Ҳа бир қўлга тушсангиз эди-я ўзим билардим”, - дея эркакка ҳар кун маломат тошларини отгани отган. Беш қўл баробар эмас. Баъзи аёлларни юзидан нур ёғилиб туради. Баъзиларида эса доимо заҳар. Бундай аёлларимиз камаяверишлар. Аёл кўзида, эркак эса ичиде йиғлайди. Биз хоҳлаймизки йўқми, оталар насихатига амал қиламиз.

**Чўли йўқ деб, эрдан кечма,
 Моли йўқ деб, эрдан кечма.**

**Хотин бўлса қобили ақли расо,
 Эрни шоҳ этар гарчи бўлса у гадо.**
 Абдулла ТОЛПОВ

ЎҒЛИНГИЗНИНГ ҚАЛБИНИ ТУШУНИНГ
 “ЮРАК-БАҒРИМНИ ТИЛМАНГ, ОНАЖОН”-22-сон

Мен бу мақолани ўқиб қайта-қайта мулоҳаза қилдим. Мақолада қизлар ва ёшлар, маънавият ва маърифат ишлари бўйича ҳаётда айнан кўп учраган масалалар, воқеалар ёритилган. Тажрибада кўп воқеаларни гувоҳи бўлганман. Шунинг учун ўз фикримни ҳавола этишга журъат этдим. Бола мисоли гул. Унга қанча гамхўр бўлсак шунча дуркун ўсади. Шерзоджоннинг онаси ўз ҳаётини эмас, ўғлининг келажагини ўйласин. Бу ўғлининг фикрлари қанчалик теран. Ҳар икки томонни, ота-она ва оилани ўйлаб иш қилаяпти. Демак, бу йигитда ор, номус, гурур бор. У бахт учун, ҳаёт учун курашяпти. Етти йил. Бу давр осон кечмагандир. Соҳидаҳон ҳам шунча йилни сабр билан кутибди. Албатта сабрли киз бахтли бўлади. Улардан чиройли бахтиёр ёшлар бунёд бўлади. Шерзоджоннинг онаси инсофга келиб, Соҳидаҳонни келин қилсин. Машаққатлар ила эришган бахт тенгсиз лаззатлидир. Ўғлининг ва келгусида дунёга келадиган набираларининг ҳаётини ўйласин. Мана ҳозир бизда баъзи ота-оналар, ошана-оғайнимнинг қизларини келин қиламан деб севганини олиб бермагани учун 4 та ёш оила барбод бўлаётир. Бунда битта-да тўрттагача бўлган фарзандлар ота меҳрдан жудо бўлиб ўшаётир. Улар келгусида ким бўлади? Агар йигит оиласини севмаса 10 та фарзанди бўлса ҳам тинч ўшамак экан. Буни ҳозир гувоҳи бўлиб турибмиз.

Хурматли онахон, ким бўлманг, мен каби бир онасиз, ўғлингизнинг қалбини тўғри тушунинг, уни бир умр бахтсиз қилманг. Соҳидаҳон ўрнида агар қизингиз бўлса, ўз қизингизни қўйиб кўринг, етти йил кутиш осон эмас. Мен тўрт фарзанд, уч қиз ва бир ўғилни онасиман. Ўғлимга ҳам ўзи хоҳлаган кизни олиб бердим. Олти йил бўлди. Келинимизга ҳамма ҳавас билан боқади. Қизларим ҳам тинч-осуда ҳаёт кечираяпти. Қаранг, бир тўда набиралар, бундан ортқ бахт борми аёл киши учун! Сиз ҳам яна тақдор айтаман инсофга келинг-да, ўғлингизни қийнаманг. Ё мени, ё кизни дегин каби энг қабиҳ муаммони ўртага солманг. Ўғлингиз ҳам бир умр сизлардан норизо бўлмасин. Инсон кўнглини оғритманг. Шерзоджон Сизга раҳмат, ҳеч қачон ота-она дилини оғритманг, лекин ўз бахтингиз учун курашинг. Ҳаёт ўзи курашдан иборат, жуда ота-онанинг қўнмаса, Соҳида ҳам, Сиз ҳам яна сабр билан кутиб юринг. Севгингизни хор қилманг. Бошқага уйланманг. Бир қўнмас бир кун ота-онанинг инсофга келади. Фақат илтимос, улар дилини ранжитмаган ҳақоратли сўзлар ишлатманг, чунки бир кун келиб ўзингиз ҳам ота бўласиз. Авваламбор, ота-онанинг тўғри тушуниб, бахтингизга зомин бўлмас. Эх, ота-оналар, фарзандлар қалбига ҳам қулқол солинг.

**Ҳадича Мўминова,
 Қарши шаҳри.**

ОНАНГИЗДАН ХАФА БЎЛМАНГ
 “МЕН КИМГА СУЯНГУМ”-24-сон

Хурматли опахоним Меҳринисоҳон. Дил изҳорингизни ўқиб сизни кўргим, узоқ суҳбатлашгим келди. Сизга Оллоҳдан узоқ умр, сихат-саломатлик тилайман. Меҳринисоҳон, хафа бўлманг, бахт куши бошингизга бир кун кўнар. Ўшанда у йигит сизни кўриб ҳаваси келсин, дугонангиз ва унинг йигити қилган ишларига пушаймонлар эсин. Сиз энди мактабни битирибсиз, ҳали сиз олий ўқув юртлирига кириб, яхши касб эгаси бўласиз. Меҳринисоҳон, оийннгиздан ҳечам хафа бўлманг. Ҳеч қайси она ўз фарзандига ёмонлик тиламайди. Сиз яна мактубингизда: “Севги жой танлайдими?”, -дебсиз. Йўқ, аксинча севги ҳеч қачон жой танламаган. У йигит, дугонангиз ва унинг йигитининг ёлгон-яшқ сўзларига қулқол солмасдан ўз совчиларини юборганда балки оийннгиз рози бўлармиди? Майли, Меҳринисоҳон бу кўнлар ҳам ўтар кетар. Айтишадик: “Оийнинг ўн беши ёруғ, ўн беши қоронгу” деб, илоҳим бахтли бўлинг. Худойимдан сизга сабр-тоқат, ҳарир чимилдикли, тилло осонали севги қасри насиб этшини истаб қоламан. Бахтингиз очилса, “Оила ва жамият” рўзномасига яна мактуб йўллайсиз, деган умиддаман. Истасангиз хатимга жавоб ёзинг.

Хурмат билан синглингиз,

**Сиддиқа,
 Бухоро ш. Ф. Хўжаев тумани,**

БИР УМР БАХТСИЗ БЎЛИБ ҚОЛМАСИН
 “ЧОРА ТОПОЛМАЙ ҚОЛДИМ”-24-сон

Хурматли Бехруз! Мақолангизни ўқиб сизга нисбатан нафратим ошди, энди 20 ёшга тўлиб бошингизда шунча ташвиш. Сиз севги нималигини тушунмас экансиз. Агар чиндан ҳам Мадинани севганингизда унга ишонган бўлар эдингиз. Қиз бечорага бунча зулм қилмас эдингиз! “Дўстимни туғилган кунига Мадинани ҳам олиб бордим ва бир кампирниқиде тунаб қолдим”, - дебсиз. Туғилган кунга кетаётганингизда ва тунаб қолганингизда ҳеч кимдан маслаҳат олмангансиз. Энди ёрдамга муҳтож, маслаҳатга зор бўлиб қолдингизми? Сизга маслаҳатим: сиз барибир муҳаббатни тушунмабсиз. Бир кун келиб Нигорани ҳам севмай қоласиз. Шунинг учун уни ҳам қийнамай ўз ҳолига қўйинг. Мадинага уйланишингизни маслаҳат бераман. Ота-оналарингизга бор гапни айтсангиз улар қаршилиқ қилишмайди. Агар сиз Нигорага уйлсангиз, Мадина сизни деб бир умр бахтсиз бўлиб қолиши мумкин. Нигорага бор гапни тушунтиринг, менимча у тушунади. Чунки Нигорани оқ кўнгли, одобли қиз деб таърифлабсиз.

**Заҳро, Тошкент.
 Шайхонтоҳур тумани**

МУҲАББАТ СИЗНИ ТАРК ЭТМАСИН...
 “КЕЙИН ХИЁНАТ ҚИЛМАСМИКАН?”-19-сон

Зухриддан ўртоғи Шухратнинг ҳаётига бефарқ эмасликки яхши албатта. Кўпчилик Шухрат севган қизига уйланимасликни маслаҳат бериши табиий. Аммо масаланинг яна бир шундай мураккаб томони борки, юрак ишида шу энг тўғри йўл деб ўйланган хато бўлиб чиқаради. Йўқ, бу йўл нотўғри йўл деганингизда эса хато қилганлигингизни тушунасан, аммо вақт ўтган бўлади. Шундай экан, ҳаёт жуда мураккаб, у зиддиятларга, қарама-қаршилиқларга бой. Тўғри, севган киз ифратсизлигини сир тутиб тегиб олиши мумкин эди. Аммо у айтган, уйланиш ёки воз кечиб масаласини ҳам Шухратнинг қўлига ҳавола қилган. У қиз ҳам дунёдан ёлғиз ўтмайди, эртами- кечми оилали бўлади. Бу ерда гап тўйдан кейинги хиёнат ҳақида кетар экан мен ўзим бошимдан ўтказган аччиқ бир ҳақиқатни ёзмақча жазм қилдим. Шухратжон укам, Сизга шунга айтмоқчиманки, қиз боланинг ифратли бўлиши, тўйдан кейин хиёнат қилмаслигига бутун умр сенга содиқ бўлиши учун мутлоқ қасолат бермас экан, мен танийдиган уч боланинг онаси бир аёл ҳам буни исботлайди. Мен ҳам худди сендек ҳолатга тушганман ва ҳозиргача унинг жазосини тортиб келмоқдаман. Нигорани жонимдан ортиқ кўрардим, у ҳам мени севарди назаримда. Аммо мenden неғадир ўзини олиб қочарди доим. Бир кун унга уйланоқчилигини айтганимда йиғлаб юборди ва 15 ёшида узоқ бир қариндошиниқига бораётганида нотаниш бир киши уни номусига текканлигини айтди. Мен ёниб кетдим. Қўзимга Нигора суюқоққ қиздек кўриниб кетди ва ундан воз кечишга қарор қилдим. Охири оиймининг ишхонасида ишлайдиган Гузал исми кизни роса мактагларидан кейин у қизга уйланоқчи бўлдим ва уйландим



ча тинчлантирарди. Ишхонадан мени иш билан бошқа шахарга бир ойлик командировкага юбормоқчи бўлишди. Мен кетдим ва бир ҳафта ўтар-ўтмас қандайдир хужжат учун қайтиб келишга мажбур бўлдим. Шунда уйдан бир хабар олай деб келсам, менинг ифратли деб уйлаган хотиним барзангидек бир эркак билан дон олишайтганлигини ўз кўзим билан кўрдим. Уни ўлдирмоқчи бўлдим. Йўқ, ўлдиролмадим, фақат унга келгунимча уйни бўшати қўйишини тайинладим. Воқеадан онам ҳам хабар топиб юрак хурридан ётиб қолдилар. Энди мен бошимни қайси тошга урай? Бир ойлик муддат туғаб

уйга келсам хотиним кетган ва ўша эркак билан яшай бошлаган эди. Мана сизга ифратли хотин. Ҳар бир инсонни худо ўзига инсоф бермас экан, олдидан бандаси ҳеч бир ишга қодир эмас экан. Хотиним у одамдан бола кўрди. Мен эса ўз ёнимга қоврилиб юрибман. Бир кун ишдан қайтаётиб йўлда Нигорани учратдим. У ҳали турмуш қурмаган экан. Онаси ўлгандан кейин укаларига бош бўлиб, икитасини уйлантирибди. Ўзи эса ишлаб туриб ўқишга ҳам кириб олибди. Мен унга: “Ўтган ишга саловат ҳаммасини унут. Менга турмушга чик, сенга уйланоқчиман деди-м. Нигора қатъий рад қилди ва “Умид ака” менга ит теккан”, сиз ифратли қизга уйланишингиз керак”, - деб кинояли қулди ва йиғлаб юборди. Мен уни кучоқлаб ўпмоқчи бўлганнимда юзимга бир шапалоқ туширди. Ўша онда қатъиятсиз эканлигини сездим ва Нигоранинг юрагига битмас-туганмас жараҳат етказганимни ҳис қилдим. Қачонлардир менинг қалбимдан жой олган бир қиз энди турмушга чик-масликка қарор қилибди. Мен эсам кейинги ҳаётимни Нигорасиз тасаввур қилолмайман. Уйлансам фақат шу қизга уйланоқчиман. Бу менинг энг сўнгги қарорим.

Мана шунақа, укагинам Шухратжон. Бу нозик ишда яхши мулоҳаза юритиб, энг пишққ қарорга келмагунингизча бир иш қилишга ёки хулоса чиқаришга шошилманг. Одамлар нима деса дейишаверсин. Оғзига кучи етмаганларнинг эмас, фақат Оллоҳнинг инояти билан ҳамма иш ўз якунини топиши мумкин. Қалбингизга қулқол тутинг-Оллоҳнинг буюк инъоми муҳаббат сизни ҳеч қачон тарк этмасин.

**Умиджон,
 Бухоро шаҳри.**

ШАБРИКЛАР ВА ЭЪЛОНЛАР



Ўғлим
МАЪРУФЖОН
ва жияним
ИСМОИЛЖОН!

Таваллуд кунларингиз билан табриклаймиз. Оллоҳдан сизларга узоқ умр соғлиқ тилаймиз.

Оила аъзоларинг

Қизимиз РАЪНОХОН
Туғилган кунинг муборак бўлсин.
Оила аъзоларинг.

ЭЪЛОН

Гиёҳлар ёрдамида озиш, семириш, ажинлардан фориг бўлишга ёрдам берамиз.
Тел: 199-31-68, 125-13-93, 46-49-54.

Хурматли ЗОКИРЖОН ВА НАРГИЗАХОН!

14 август куни бўладиган никоҳ тўйингиз билан табриклаймиз. Шу оқшом бунёд бўладиган мустақил ҳаётингиз бекам бўлсин. Бу дунёнинг гўзал бахту саодати сизларга ҳаммаша ёр бўлсин.

Оила ва жамият газетаси жамоаси.

«ДИЛОРОМ»

ўқув маркази таклиф этади:

2 ойлик:

1. Компьютер билимлари.
2. Замонавий бухгалтерия ҳисоби
3. Зардўзлик - бухгалтерия
4. Тиқиш-бичиш, моделлаштириш.
5. Аёллар устки кийимларини тиқиш-бичиш, моделлаштириш.

3 ойлик:

1. Компьютерда бухгалтерия ҳисоби
 2. Инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун)
- Манзил: Абай кўчаси, 4 "А"-уй, 1-қават, 115-хона /
Тел: 144-58-34; 58-48-50.
Мулжал: "Алишер Навоий" метро бекати.

ХОТИРА

КАПАЛАККА АЙЛАНГАН
ОИЛАМ

Ҳар тонг айвонимиз пештоқида арвоҳ капалак туради. Биламан, бу сизсиз дадажон. Ҳар бир инсон бу дунёни тарқ этгач у капалакка айланади, дейишади. Капалак эса эгасига жуда ўхшаш бўлармиш.

Дадажон мен сизни тушларимда жуда кўп кўраман. Менга узумлар узиб берасиз, чирган узумни емаслигини айтиб, фақат энг сархилларини узиб узатасиз. Чўчиб уйғонаману, югуриб айвонга чиқаман. Капалак ҳамон жойида турарди. Йиғлаб-йиғлаб яна уйга кираман. Ўтган куни яна тушимда сизни кўрдим. Сиз менга: "Қизим, хув анави қора қаргаларни кўраёсанми, шулардан эҳтиёт бўл. Улар чўкиса одамни ўлдиради", - дея бир неча бор мени огоҳлантирдигиниз. Уйғонсам, тушим экан. Жуда кўп ўйландим. Бу қора ниятли қарғалар ким бўлди-ю, сиз мени кимлардан огоҳ этдингиз. Яна капалакка термуламан. Назаримда, у ҳам менга нималардир даяётгандек эди. Дадажон, Сизни соғиндим. Сиз мени жуда яхши кўрадингиз. Шунинг учун ҳам тушларимда кўп кўраман. Унгимда менинг қадрдон капалагим келади. Менинг қувончли кунларимда ҳам, ҳаётда қийналган оғиларимда ҳам бу капалак мени тарқ этмайди.

Баъзан кўча-кўйда сизга ўхшаш чехраларни кўрсам, гўёки юрагим уришдан тўхтаб қолгандек туюлади. Ўша амакини бўйниларидан маҳкам кучоқлаб олгим келади. Қани эди бир мўъжизакор инсон бўлиб қолсаму, ўзимни ўзим капалакка айлантириб қўйсам. Ўшанда сиз билан мириқиб гаплашардик, дардлашардик, дадажон.

Капалакка термулиб йиғлаб ўтирсам, ўғлим ёнимга келиб ҳайрон бўлади. Дадажон, сиз ўғлимни кўрмагансиз. Мана у мактабга борадиган бола бўлиб қолди. Уни эркалаб бағрингизга босишларингиз шундай истардимки... Ўғлимнинг қайсидир хислатлари сизга ўхшаш кетади. Оғир босиқлиғими, камгаллиғими. Хуллас, унда сизни кўраман.

Капалакни кўриб нега йиғлайверасиз, дейди ўғлим ёнимдан жилмай. Мен унга бу капалак эмас, бу сиз эканлигингизни тушунтирмаган ва бир кун мен ҳам капалакка айланиб сени қошингда парвона бўламан деб айтаман. У бўлса бағримга ўзини отиб: "Йўқ, Сиз ҳеч қаерга кетмайсиз, агар капалакка айланиб қолсангиз, мен сизни қандай кучоқлайман, қандай ўпаман дейди.

Дадажон, ахир мен ҳам сизни кучоқлаб-ўполмаёпманку, фақат капалак бўлиб келганингизга, тушларимда кўраётганимга ҳам хурсандман-ку... Мен буни ҳали ўлим нималигини билмайдиган дилбандимга қандай изоҳлаб бераман, дадажон? Ох, менинг капалакка айланиб қолган, ўзимнинг дадажоним.

Сурайё АҲМЕДОВА, журналист.
Чиноз тумани.

ИСМИНГИЗДАН МАМНУНМИСИЗ?

ФИКР

Инсон учун дунёда фарзанд кўришдан ортиқ бахт бўлмаса керак. Шундай экан, фарзанд туғилганда унга муносиб, чиройли, ўзбекона исм қўйиш ота-онадан масъулият ва жиддий эътиборни талаб этади. Баъзан кўпгина исмлар ёқимсиз, галати ёки қулғили туюлади. Савол туғилди, жониворларнинг, нарсаларнинг, асбоб-ускуналарнинг номларини инсонга қўйиш ёки, оврупача исмларни таклид қилиб айтиш шартми? Ахир халқимизда мазмунли, чиройли исмлар беҳисоб. Биз ўзбекларда ҳам руслардаги каби жониворларнинг номларини исм қилиб қўйиш одат бўлиб қолган. Масалан: Бўри, Арслон, Шер, Қўчқор, Кўзи, Шерқўзи ёки Тош, Темир, Пўлат, Тилла, Тоштемир каби баъзан эса Гадой, Қаландар, Дарвеш исмлари ҳам учраб туради. Шундай исмдаги фарзандларимиз вояга етиб, ҳамма нарсанинг фарқига борадиган бўлганларида кўпинча ўз исмларидан уялишиб, қисиниб юришади. Баъзилар катта бўлганларида исмларини ўзгартирмоқчи ҳам бўлишади.

Баъзида Фурак исмини ҳам учратамиз. Бу ҳам ўйламасдан қўйилган исм. Бу сўзнинг маъноси-айрилиқ, хижрон дегани эмасми? Нега бундай сўзларнинг маъносини билмасдан фарзандларга қўйиб юборамиз. Ахир бу шоирнинг адабий тахаллуסיку. Унинг маъноси ҳам кишини ранжитади.

Оврупоча тарбия ва маданиятнинг таъсириданми, ўзбекларимизда ҳам Мэлс, Га-

гарин, Вайс, Маркс каби исмлар учрайди. Ёки айрим исмларни русчага айлантириб қақриш одат тусига кириб кетди. "Гуля", "дил" сўзи билан бошланган исмларни эса "Диля" деб қақришади. Шунингдек чиройли ўзбекча исмлар ҳам эркалатибми, чала айтилади. Масалан, Алишерни Алиш, Бобошерни- бобош, Фаншшерни-фаниш, Баҳоқирни-бақор, Бахтиёрни-бахти деб аташади. Исмларни бундай бузиб чала айтишлар ислом динида ҳам қораланади. Пайғамбаримиз Муҳаммад алай-хиссалом умматларига шундай буюрадилар: Бир-бирларингизга исмларингизни тўлиқ айтиб мурожаат қилингизлар. Чала айтиб ёки камситиб қақирмангизлар дейди. Чала қилиб айтилаётган исмлар Аллоҳга ҳам ёқмайди.

Янги туғилган чақалоққа исм қўйиш маросимини оилада барча аъзолар билан биргаликда фикрлашиб, байрам тусида ўтказилса чиройли бўларди. Чунки оила аъзолари ўзлари ёқтирган исмларни тавсия этишади ва улардан биттаси танлаб олинади. Чунки исм инсоннинг умри охиригача ўзгармай қоладиган, шахсини билдирадиган муҳрди. Фарзандингизга шундай исм қўйингиз, у ҳаммаша ўз исмидан фахрлини юрсин.

Қодир ШУКУРОВ,
Самарқанд вилояти,
Пахтачи тумани.

ТАОМ ПИШИРАЁТГАНДА

МАСЛАХАТХОНА

Пиширилаётган суюқ таомга туз ва сувни бўлиб-бўлиб, бир неча бор солинса, унинг сифати бузилади.

Суюқ таом милдиратиб қайнатилса, унинг ранги тиниқ бўлади.

Сўлиб қолган кўк пиёз, кашнич, укроп ва бошқаларни сиркали сувга ботириб қўйилса, "тирилиб" кетади.

Бодринг, редиска, помидор, янги сабзи ва бошқа сабзавотларни арчимай истеъмол қилган маъқул. Улар тез хазм бўлади, кўпроқ фойда беради.

Йиланаётган тухум оқсилга озгина туз қўшиб юборилса, оқсил тез кўпиради, кўпик турғун бўлади.

Қаттиқ пиширилган тухумни дарҳол совуқ сувга ботирилса, арчилиши осон бўлади, тухум саригининг ранги асл ҳолда қолади.

Қари молнинг гўшти тез пишиши учун сувга бир қошиқ сирка ёки лимон суви қўшиш керак.

Гўштни пиширишдан олдин совуқ сувда ювилади.

Наргиза Жўраева тайёрлади.

МИЛЛИЙ ХУНАРМАНДЧИЛИК
ТИКЛАНМОҚДА

Республика миллий хунармандчилигини ривожлантириш Шахрисабз ҳудудий бирлашмаси раисаси Гулнора Одилова билан йўқолиб кетаётган миллий бадий хунармандчиликни тиклаш, борларини ҳам сақлаб қолиш ҳақида анча суҳбатлашдик.

Гулнораҳон, сиз асли филолог экансиз, миллий хунармандчиликни тиклаш учун кўп ишлар қилаёсиз, олимасиз- китоб ҳам ёзаётган экансиз...

- Шахрисабз азалдан хунармандчилик ниҳоятда ривожланган шаҳар бўлган. Шахрисабз усталари бадий жиҳаддан гўзал, пишқик, миллий буюмларимизни Буюк ипак йўли орқали кўпгина мамлакатларга чиқариб сотишган. Шойидан зар тўқилган тароқи хуржунлар берилган от эгарлари, оқ ўтов, кўк ўтовларнинг нақши турлари, аёлларнинг заррин мурсақлари,

жиаклари, кулолчилик буюмларига Булгория, Олмония, Франция, Хитой, Хиндистон ва Араб мамлакатларида талаб жуда катта бўлган.

- Юртбошимиз томонидан 1997 йилда Миллий хунармандчилик Республика уюшмаси ташкил этилгач, Чироқчи, Яққабоб, Қамаш, Китоб ва Шахрисабз туманлари аро уюшма таъсис этилди. Кейинги вақтда Шахрисабздаги усто-шоғирдлар мактаби ҳақида кўп гапиришарди...

- Тўғри, биз йўқолиб кетаётган халқ хунармандчилик манбааларини топиб, усто-шоғирдлар мактабини ташкил этдик. У ерда бешта ёки олтига йигит қизлар бир йил давомида шу хунар сирларини ўрганадилар. Кейин махсус комиссия синовидан ўтишиб, гувоҳнома ҳам оладилар. Бунга Аҳад кулолчилик, усто Олим ўймакорлиги, усто Насрулло кулолчилик, Беғис каштачилик макта-

бини мисол келтириш мумкин. Беғис каштачилик мактабини қўли гул чевар Инобат Олимова бошқараяпти. Яна Рустам Болтаевнинг ганч ва нақш мактабини тикладик.

- Бу мактабларда кўплаб маҳсулотлар тайёрланар экан, шуларни сотасизларми ёки?...

- Биз қатор хорихий давлатлар билан шартномалар тузганмиз. Яъни Хитой, Туркия, Исроил, Олмония ва Араб мамлакатларига қўлда тўқилган, тижилган миллий буюмларимиздан тайёрлаб берамиз. Шунингдек Тошкентдаги кўплаб фирмалар билан бадий беэақли ўймакорлик усулида тайёрланган стол-стуллари етказиб бериш учун ўн миллион олти юз минг сўмлик шартнома тузганмиз. Бундан ташқари Қашқадарё вилояти саноат қорхоналари билан ҳам бир миллион юз минг сўмлик шартнома асосида ганч, нақш беэақли ишларини олиб бормоқдамиз. Аёллар йили бўлган ушбу йилда аёллар дўпписи ҳамда нимчаларни бадий усулда тиқиш цехларини очаямиз. Бу маҳсулотларимизнинг бозори жуда чаққон. Уларни асосан Америка, Исроил, Туркия

Малайзия мамлакатларидан олган буюртмага асосан тайёрлаямиз.

- Шахрингизда хунармандларнинг этнографик ансамбли бор экан...

- Ҳа, айтгандек усталаримиздан Тўйчи Исоқов най, тор ясаш билан бирга соз чалиб, қўшиқлар айтади. Инобат Олимова кашталар тикади, у ҳам рақсага тушиб, фольклор қўшиқларини айтади. Уюшмага қошида этнографик ансамбли ҳам ташкил этганмиз. Концертлар ҳам уюштирамиз. Сабзимиздек қўйлайдиган қўшиқларимиз ҳам ноёб қадимги халқ термаларидан иборат. Лекин шунга қарамадан бу қўшиқларнинг ўзига хос ихлосмандлари бор.

Биз Гулнораҳон билан суҳбатимиз давомида шу нарсага амин бўлдикки, халқимизнинг ноёб хунарлари, каштачилик, кулолчилик, ганчкорлик, ўймакорлик каби миллий хунарлари асосида яратилган аjoyиб санъат намуналари жаҳон бозорига ўзига хос кадр-қиммати, шухрат қозониши билан ўзбек хунармандлари номи ҳам дунёга танитишига ишонамиз.

Исоқ САТТОРОВ

Кишлоқ ҳаёти... Буни кишлоқда яшаганлар, у ердан тўйиб-тўйиб нафас олганлар, қуйиб, ёниб меҳнат қилганларгина билади.
 Мана шундай гўзал онларнинг, оқар сувдек оқиб ўтиб кетганига ҳам қирқ йил бўлиб қолибди. Болаликнинг қайтмас даврига ҳам шунча вақт бўлибди.
 Ҳа, дарвоқе, ўзимни таништирай. Камина ҳам, жаннат макон юртимизнинг мана шундай, гўзал кишлоқларнинг бирда таваллуд толганман. Бобом тошдай қаттиқ, темирдай муштак ҳам бўлин деб, исмиمنى Тоштемур қўйишибди. Бобомнинг қилган яхши ниятларига фаришта омин деб юборганидан бўлса керак, неча бор эшакдан, чумчуқ бола оламан деб, неча бор том устидан, дараклардан кулаб тушмадим дейсиз. Аммо шуниси ажабланарлики, бирор жойим лат еганини ё бўлмаса тирналганини эслолмаман.

Шаҳар болаларидек (ўша даврда) лагерларга бориш, ҳордиқ чиқариш бир орзу, ҳавас эди, биз учун. Таътил кунларимизни далада ота-онамизга кишлоқ ҳўжалик ишларида, уй юмушларида ёрдам бериш билан ўтказар эдик. Лекин биз бундан асло ҳафа бўлмас, аксинча курсанд эдик. Ҳар бир кунимиз саргузаштларга бой, қувноқ кайфиятда ўтар эди. Бир тарафимизда, Сирдарё ҳайкириб оқиб ётса, бир томонимизда қорандаларнинг қовун-тарвузлари фарқ пишиб, димоқни қий-тиклайдиган даражада ҳид таратиб "мана мен етилдим, пишдим, кеп қолинглар" деб ўзига чорлаб турибди. Хоҳласак чўмилиамиз, хоҳласак қовунхўрлик қиламиз, булар меъдамизга теккундай бўлса, балиқ тўтиб балиқхўрлик қиламиз.

Ҳўп кундуз кунлари, шундай саргузаштларга бой ҳолда ўтар экан, кечкурунлари нима иш билан банд бўлгансизлар, деб сўрасиз. Чарчаш нималигини билмас, биз болалар мол-ҳўлларимизни боғлаб, қамаб, овқатлаб ота-оналаримизнинг руҳсати билан, белгиланган жойимизда бир соат, икки соат ҳар ўйинлар, ўйлаб топиб, ўйнар эдик. Уйинлардан зериксак тарафма-тароф бўлиб курашга тушар эдик. Хуллас таътил кунларимиз оқар сувдай, тез ўтиб поёнига етар эди. Мана шундай кунларнинг бирда "бекинамоч" ўйинини ҳам, курашни ҳам тугатиб яна бирозроқ булганлиги учун, бошқа бирор қизикроқ ўйин ўйлаб топиш учун, бир тўп болалар кенгашгани майса устига ёнбошладик.

Биров у деди, биров бу деди, биримизнинг фикримиз, биримизга тўғри келмас эди, анча тортишувдан кейин, узум боғда "чиллаки" чумак уриб қолибди, деди Илаш. "Калланг жойидами, у ёққа бориб келгунимизча, анча вақт ўтади, уйдагилар хавотир олишади", -чўрт кесди унинг гапини Эсон. Қоровулнинг милтиғи бор экан, деб қўрув билан гапга аралашди Турғун. Нақ кўлга тушиб қоладигандай.

"Ҳой, сен ҳам, бирор нараса десанг-чи", -деб Мирза, Абдувалининг биқинига бир туртди. "Менга барибир, кўпчилик нима деса, мен "за", -деди

Мирза деганимиз жисмонан бизга қараганда анча бақувват, ақл билан иш юритадиган, бўлгани учун ўзимизга бошлик қилиб олган эдик.

Яна бир гунг ўртоғимиз бўлиб, яхши эшитмас, гапиролмас, доим биз билан бирга юрар, ўйинларимизда ҳам мунтазам иштирок этар эди.

"Усмонларнинг ҳам ҳандалаги пишиб қолибди", -суҳбатни қолган жойдан давом эттирдим мен.

"Ия, Орол қозоқнинг ҳандалаги пишганига бир ҳафта бўлди", - деб луқма ташлади Жуманбой. "Энди гап бундай деб Мирза бизларга қаради. -Бизларга ажратилган вақт ҳам тугаб қолибди, эртага ҳамма шу ерга йиғилади, қолган гапларни ўшанда давом эттирамиз", -деб гапни қисқа қилди. Мирза "Атаман"нинг айтганини қилиб ҳаммамиз тарқалишдик. Эртаси кун онам менга, сен бугун уйда қолақол, озроқ чопиқ қолган, мен ўзим тушгача тугаллаб келиб қоламан деб, мени уйда қолдириб, ўзи далага кетди.

У, бу ишларни саранжомлаб, уйда ўтириб зерика бошладим. Усмонларнинг ўйи бизнинг ҳовлидан, бир ўй нари бўлгани учун, бугун ҳандалакга кирсак, қаердан кириш-чиқиш йўллари пухта билиш мақсадида, макказор ичидан қириб, ўзимча план чизмоқ фикри тугилди. Уйлаган ўйим ўзимга маъқул келганидан, суноиб, Усмонларнинг чорбоғига кирдим. Макказор ичидан туриб, ҳовлини кузата бошладим, жимжитлик, ҳаммаси далага кетганга ўхшайди, ана омад. Қаердан кириб, қай томондан чиқиб кетиши йўллари, чамалаб қўриб бўлиб, энди оркамга ўгирилиб кетмоқчи бўлсам, қаршимда Усмон турибди тиржайиб. Ҳа қароқчи, нима қилиб юрибсан, бизнинг чорбоғда, далага нега бормадим дея, кетмакет саволлар бериб, исқанжага ола бошлади. Нима дейишимни билмасдан. "Шу десанг, қуркамиз катақдан чиқиб кетибди, шуни излаб юрган эдим", -дедим ду-қуқлабди. "Ола, оп қоч, нима мақсадда келганингни билмайди деб ўйлайсанми, сизларниқидан бизнинг ҳандалак олдин пишган, шунга ўгирилликка киргансан. Ҳали шомшай тур, кечкурун даданг даладан келсин ўшанда ҳандалакни каттасидан мазза қилиб ейсан", -деди. Қарасам иш чатоқ, бу "терақ" дадамга аниқ айтди, дадам бохабар бўлиб қолса борми, ана унда кўринг томошани. "Ке, қўй Усмон, ҳазилингни, пайкалингни кирмаган бўлсам, ҳандалагингни узмаган бўлсам, қуркамиз излаб юрган бўлсам", -дедим қўрқа-писса. "Э, бошимни қотирма бор яхшиликча жўна, ҳа эсингдан чиқмасин, кечкурун даданг келишида уйда бўлгин бир хандалакхўрлик қилайлик", -деб мени ҳайдай бошлади. Энди нима қилсам экан, агар дадам эшитгудай бўлса нақ теримга сомон тиқиши аниқ. "Эй, Усмон, бир гап айтсан дадамга айтмайсанми", -деб Усмонга қарадим. "Ҳўш нима дейсан агар менга тааллуқли бўлса кўрамиз, айтадиган гапинг қандайлтигдан..."

"Сенга тааллуқли, сенга тегишли, -дедим шоша-пиша, - фақат битта шартим бор, бу гапни фақат иккаламиздан бошқа биров билмаслиги керак, агар ҳеч кимга айтмайман деб сўз берсанг, майли айтман", -дедим. "Ҳўп майли, менга тегишли бўлса айтақол, шартинга розиман", -деди Усмон ўзи ҳам қизиб. Шунда мен болалар билан кечкурун қиладиган иш режаларимизни Усмонга айтиб бердим.

"Ҳали шунча дегин", -деди Усмон қўб кўзларини йилтирибди. Бироз ўйланиб тургандан сўнг: - "Майли болаларни бошлаб келавер, бир томоша кўрсатай, сен кўрма, сенга ҳеч нараса бўлмайди, дадангга ҳам айтмайман", -деди Усмон. Иккаламиз макказор ичида иш режасини туза бошладик. Усмон палақлар ичида беркениб ётадиган бўлди, мен болаларни у ётган жойга бошлаб келадиган бўлдим. Битимни тузиб бўлиб, мен уйга кетдим. Кеч қириб, айтилган маҳалда болалар яна ўйингоҳимизга тўпланишдик. Ҳамма борми, йўқламадн ўтказган бўлди, Мирза. "Абдували кўринмайди", -деди Илаш.

"Уни ўзинг биласан-ку, оламни сув босса, тўпигига чиқмайди", -жавоб қилди Эсон.

"У келгунга қадар, бирозроқ "петнашка" ўйнаб турайлик", - таклиф киритди Жуманбой. Ўн-ўн беш дақиқа ўтар-ўтмас, Абдували ҳам келиб, даврага қўшилди. Бир соатлар чамаси, ўйнаб бўлиб кегаги чала қолган ишимизни амалга ошириш учун маслаҳатлашгани ўтиришдик. "Энди гап бундай, ўғирлик қилиш, биронинг нарсасини сўроқсиз олиш, гуноҳ эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Шунинг учун шу ишга талаборлар бўлса, майли яна ҳам ўйлаб қўришин, кимда қандай таклиф бўлса, эшитамиз баҳамжиҳат иш қиламиз"... "Э, ҳамманинг ҳандалаги пишиб ётибдику, нима кераги бор шу ишни", -тўнғиллади Турғун: "Биронингни ўғирлаб есанг, ширин бўлади", -гапни илиб кетди Илаш. "Полиэ экинларини биронинг пайкалидан олиб есанг, ўғирлик саналмас экан", -деди. Эсон кўп нарсани биларидан доғишманддай. "Сен нима дейсан, Тош, бунақа ишларнинг пирисан-ку", -деб менга қаради Мирза.

КУНЛАРНИНГ БИРИДА

Ўз исмишни эшитиб агар болалар айниб қолгудай бўлса, кегаги воқеани Усмон дадамга айтишгидай, аниқлигини билиб, қандай жазо олишлигини кўз олдимга келтириб, шошиб қолдим.

"Бугун мен, қаердан кириш, чиқиш йўллари пухталаб билиб олдим. Бемалол кирверсак бўлади, хавотирлинишга ўрин йўқ", - дедим, бўзрайиб. "Унда овозга қўямиз. Кўпчиликнинг хоҳишига қараб иш қиламиз", -деди Мирза.

"Қани Усмонларнинг пайкалига кирамиз деганлар қўл кўтарсин", -деб Мирза овозга қўйди. Мирза, Абдували, Турғун гунг ўртоғимиздан бошқа ҳамма қўл кўтарди. Қаршилар борми деган саволга, битта Турғун қўл кўтариб қаршилигини билдирди. "Кемага тушганларнинг жони бир, деган гапни эшитганмисан, ҳў хумпар, бизнинг кемадасан агар яқкалиниб қолсанг, чўкиб кетасан", -деди Жуманбой, Турғунга ўқрайиб қараб. "Кўпчилик нима деса шу бўйсунасан шу амалга", -деб, Турғуннинг ишини ҳал қилгандай бўлиб бизга қаради, Жуманбой. "Ҳой боқибегам, сен нега, на у ёқ на буё эмассан", -деб Абдувалига қаради Мирза. "Мен кеча ўз фикримни айтганман кўпчилик нима деса, мен "за" деб, яна қайтаришим мумкин", -бамайлихотир жавоб қилди Абдували.

"Масала равшан, кўпчилик овоз билан борадиган бўлди. Йўл бошловчи Тош бўлади. "Мабодо ишимиз чиппака чиқкундай бўлса ҳамма "Пахтасарой"га тўпланади", -деди Мирза. "Ҳеч нафасингни иссиқ қилмадингга сен "Чапай", -деб Абдували Мирзага танбех бергандай бўлди.

"Мен мабодо дедим-ку", -ўзини оқламақчи бўлди Мирза. "Қани бўлмаса турдимки?", -деди Жуманбой шошилиб.

"Ия, мановини нима қиламиз", -дея гунг ўртоғимизга ишора қилди Эсон. "Бўнинг ўлса ҳам ажрамайди биздан" деди, Илаш. "Тош сен унга тушунтириб қўй, пайкалга кирмасдан, Турғун иккиси қоровуллик қиладими", -деди Мирза менга. Кеча Усмон билан келишилган вақт ҳам бўлиб қолди, уйда...

ЖАВОБДАН КЎРКИБ

макказор пайкалга жўяқлар оралаб, хандалак излашга киришиб кетди. Усмон ётган жўякни чамалаб, ўша томонга қараб-қараб қўяман. Хандалак излаш қаёқда бу ўйиннинг нима билан тугашини кутиб, юрак курғур гурс-гурс уради. Бир маҳал қарасам Абдували ўша жўяқдан, тўғри Усмон ётган жойга қараб хандалак излаб борапти. Қилт этмай кузатиб турибман, бирдан Абдували болаларни оғоҳ этиш мақсадида "Атас" дея ўзини мақсапо ячига урди. Усмон эса қорнини ушлаганча, жўяқ ичида ағнаб қотиб-қотиб кулар, қулгидан ўзини тўхтатолмас эди. Бир зумда болалар, ола-тасир қилишиб, пайкални тарқ этишди. Мен ҳам ўзимни секин четга олиб "пахтасарой" томон йўл олдим. Борсам болалар Абдувалини ўртага олиб, роса тергов қилишайпти.

У бўлса парвоий-палак, ҳеч нараса бўлмагандай. Нима қилиб юрибди у ўзи бемаҳалда пайкалда", -деди Илаш ютиниб.

"Менимча пайкалга киришимизни сезиб қолган, қани булар кимлар экан", -деб, жўяқлар орасига яшириниб олиб бизни кузатган, деди Жуманбой.

"Ҳаммамизни таниб қолган бўлса-я", деди Турғун қалтираб. "Э, бўлганича бўлди агар ҳаммамизни таниб қолган бўлса қўрадиганимизни кўрамиз", -деди Эсон, аммо гапини давом эттириб қўшимча қилди у. -Анови боқибегамни таниб қолгани анга, - худди ҳамма ишга Абдували айбдордай. "Бўрининг еса ҳам, емаса ҳам оғзи қон", -деди Илаш, "Шундай экан, бир дона бўлса ҳам хандалак емасдан тарқалиш йўқ", -деб, қўшимча қилди Жуманбой.

"Матҳолик бобойларнинг ҳам хандалаклари роса етилибди", -дедим, худди айб устида қўлга тушиб қолгандай болалардан кўзимни олиб қочиб. "Борсак, бораверимизда", -деди Абдували Бамайлихотир. "Ҳамма гапирса ҳам, сен жимгина ўтирсанг бўларди, нуқул биров ишинг ишқалини чиқариб юрасан", -деб жеркиб ётибди Эсон. "Намунча менга ёпишиб олдиларинг. Усмоннинг палак ичида пойлаб ётиши тушимга кирибдими, -деди Абдували фиғони ошиб. "Ке, қўй, тортишма шу билан Мирза", -Эсонни қайтарди Жуманбой. Бобойнинг пайкали, ҳовлисидан анча узода, боя ўша ёққа борсак бўлар экан". "Энди бўлди қилиб қайтасак ҳам бўлар эди", -деди Турғун олазарак бўлиб. "Қаёққа қайтасан шўринг курғур, биз хандалак олиб келамиз, сен Маҳкам (гунг) икковинг биз қандай ейишимизни томоша қилиб ўтирасанг", -дедим, сал мен ҳам дадиллашиб. "Унда бундай қиламиз, -деди Мирза. -Бериги томонда сабази экилган жой бор, ана ўша ерда Турғун билан Маҳкам қоровуллик қиладди. Нариги йўл тарафда Эсон сен ўзинг турасан, биз қолган болалар пайкалга кирамиз деди. - Мирза гап тамом дегандай. Ҳаммамиз олган хандалакларимиз билан шу ерда тўпланамиз, -гапини яқунлади у. Қоровулларни жой-ҳўяларига қўйиб, қолган болалар пайкал сари кетдик. Биз энди пайкал оралаб толган битта, топмаган излашда давом этаётган вақтда, Маҳкамнинг ғайри табиий овозини эшитиб қолдик. Гунг оданинг овоз қиқариб бақирини кимга қандай таъсир қиладди билмадим, аммо менга подадан тезроқ боласини кўриш мақсадида ошқайтган сигирнинг маърашига ўхшаб кетди, яна қандайдир юракга қўрқув соладиган охангга ўхшар эди чамамда. Бу ердан ҳам тез дақиқалар ичида "атас" бўлди. Яхши ҳам огалари сезмади шекилли, бир-икки бор итларнинг ақиллашини ҳисобга олмаганда яна ҳаммамиз "пахтасарой"га тўпланиб энди Турғунни ўртага ола бошладик.

(Давоми бўли.)
Тошўлат ПАРДА ўғли,
Ангрен шахри.

КЎЗЛАР АЛДАМАЙДИ, АЛДОЛМАЙДИ

"Оила ва жамият" газетасини доимо мароқ билан ўқиб бораман. Айниқса, меҳр-муҳаббат бобида, йигит-қизларнинг гоҳ қувончли, гоҳ аянчли севиғи тарихи битилган мақолалар мени чуқур мушоҳадага ундайди. Аммо ўзим, бир кун келиб шундай аҳволга тушиб қолам, деб ўйламаган эдим...

У билан илк бор телефон орқали гаплашдик. Муддао шуки, иккалаимизга ҳам бир ҳолис хизматни бажариш топширилган эди. Қисқа муддатли сўзлашув менда даставвал ҳеч қандай таассурот қолдирмади. "Масъул жойда ишлайди, яхши муомала қил" деб таъкидлаганларига унинг узундан узок исми шарифи кулгимни кистатсада, одоб доирасида муомалада бўлдим. Хуллас шу иш туфайли биз учрашадиган бўлдик. Учрашувга борарканман, нуқул қанақа бўлса экана, деб ўйлайман. Ахир бир неча мартаба телефон орқали гаплашсангиз, сахту сумбатини тасаввур ҳам қилолмасангиз, қизиқ-да!

Айтилган жойда, айтилган муддатда кутиб турарканман, узокдан уни кўрдим. Гарчи атрофим кутиб олувчилар, кутиб турувчилар билан лиқ тўла бўлсада у ҳам тўғри мен томон юра бошлади. Қаршимга келиб тўхтади. Бир неча сония бир-биримизга тикилиб қолдик. Ва ўшанда танамга илк ҳарорат юғураётганини ҳис қилдим. Қалбим тантана қилар, уни ром этганимдан дилимда мағрурлик туярдим. Хуллас, шу кундан бошлаб у менинг ҳаётимга кириб келди. Кунора у билан иш юзасидан гаплашиб тура бошладим. Ҳар гал унинг овози титраётганини, мени кўрганда тахтадек қотиб қолишини кўрганамда юғуриб бориб унинг елкасига бош қўйгим келарди. Чунки унинг елкалари мен орзу қилган алпкелбат шаҳзодаки мисол, кўзлари ўша тушларимда мен интилиб яшайдиган суякли ёримниқидек... Ҳа, у мен орзу қилган йигит эди!

Охириги учрашув ҳамон кўз ўнгимда. Ишимиз тугаган, мен уни ойнавандли эшик олдида кутиб турардим. У чиқиб келаркан, нигоҳимиз яна тўқнашди... "Йигит дегани ҳам шунчалки кўркам бўларканми? Юзи сутга чайилгандек оқ, лаблари олчанинг рангидек олу ранг"... ширин энтикдим. Менга интилган кўзларда бир олам севиғи... ва аллақандай гашлик тўйдим. Бардос беролмадим, юзимни четга бурдим. Олдимга яқинлашганида секин хайрлашдим.

- Раҳмат, ҳаммаси учун. Биз томонга борганингизда,

албатта меҳмон бўлинг.

...
- Хайр, бўлмаса.

...
Яна сукут. Шу онда фақат кўзлари сўзларди. Мен уларни ўқий бошлаганимни сезмай қолдим. "Қаёққа кетаяпсан? Кетма, мени ташлаб кетма азизим!", дер эди улар. Бурилиб кетарканман, ночор майин табассум ҳадя қилдим. Ҳа, ночор... Чунки менинг ҳам асло кетгим йўқ эди...

Аввалги ҳаётимга қайтдим. Уй, иш, ташвиш... Яширмайман, кўркам қизман. Менга севиғи изҳор қилганларнинг сон-саногии йўқ. Ҳатто кимга берилишим ҳам аниқлаб қўйилган. Фақат у йигитни кўрганамда юрагим ундай тугён урмайди, фарёд чекмайди!

Уйга келиб аччиқ-аччиқ йўғладим. Кунлар кетидан кунлар ўтар, ундан садо йўқ эди. Ахир телефоним рақамини билади-ку? Нега кўнгироқ қилмайди? Ё ҳаммаси ёлгонмикан? Бўлиши мумкин эмас. Ахир кўзлар алдамайди-ку? Алдолмайди-ку? Саволларим, ундовларим кўпайиб кетди. Ўзим анчайин мағрур бўлсам-да, бу мағрурликни бир куни кечқурун йўқ қилиб уйига кўнгироқ қилдим. Арзимас бир баҳона билан. Ниҳоят унинг овозини эшитдим. Мен учун қадрдон овоз... Мени танигач, у ҳам менинг ахволимга тушди. Ҳеч гапиролмаймиз, тез-тез нафас олишимиз бир-биримизга шундоқ эшитилиб турибди.

Сўхбатни чўзиш мақсадида: уйингизга кундузи ҳам кўнгироқ қилганим, ҳеч ким олмайди, дедим.

У бир сония жим турди. Сўнг: - Келиннингиз қишлоқда... - деди. Бўлди! Ҳаммаси тамом бўлаётганини, орзуларим қасри кулаётганини аранг ҳис этдим. Қулоғим шангиллаш дунёни босгандек эди. Шунда ҳам билдирмадим. Бошқа гапини эшитишга мажолим қолмаган эди. Иссиқина хайрлашиб, дастакни кўйдим.

Секин бориб магнитофон мурватини бурадим. Алсу исми хонанда "Қишки туш" кўшиғи орқали гўё менинг дардимни қуйлаётгандек эди... Шундан буён қарахатман. Яхшиси у билан кўришмаганим маъқул эди. Қалбимда, юрагимда тузалмас чандик, оғрик қолди, холос...

Асл исимини ёзиш шарт эмас, деб ҳисоблайман. Ўзим ёқтирган (тўғрироғи, бир йигит сизга шу исм мос деган эди) исми кўяпман. Хатни ёзиб бироз дардим енгиллашди. Раҳмат.

**ФАРАНГИС,
Қарши шаҳри**

ҚАНДАЙ ЙЎЛ ТУТАЙ?

Мен ҳеч кимни севиб ўлдим, ёндим демайман. Тўғри, биронга келишган, чиройли йигит назар ташласа хаёлан ёқтириб юрган кунларим бўлган.

Шундай қилиб бир кун пешин пайтида Лена деган дугонаим телефон қилиб: "Лазиза, бир фирмага бухгалтер керак экан ишга таклиф қилишди бормайсизми?" - деб қолди. Уйдагилардан сўраб учта қиз бўлиб бордик. Мен, Лена ва Света яхши ишлаганимиз учун у ерда бизларни олиб қолишди. Бу ерда асосан ўзбек йигитлари ишлашар экан. Ўшанда бир болани ёқтириб қолдим. У бошқа болалардан ажрალიб турарди. Кам гаплиги, одоби биланми, жаҳли ҳеч ҳам чиқмасди. Шундай қилиб мени ўзига ром этди. Мени олдимга кам келар, менадан уларимди, асосан дугоналарим олдимга бориб улар билан гаплашиб турарди. Тенис ўйнашга таклиф қилар эди. Мени олдимга бошқа болалар келиб гаплашар, саволлар беришса

саволларига яраша жавоб қайтарардим. Лекин уларга унча аҳамият бермасдим. Хаёлим фақат унда, у билан гаплашсам, деган умидда кунларим ўтиб борар эди.

Бир куни Света олдимга келиб ўша болани ёқтириб қолганини менга гапириб берса ичимдан бир нарса узилиб, умидсиз ҳолга тушиб қолдим. У бола ҳам Света билан ҳар куни учрашадиган, уни уйигача кузатиб қўядиган бўлди. Бундан жаҳлим чиқар, Светани ўрнида бўлиб қолгим келарди. Ҳар куни уйга келиб йўғлар, эрталабгача ўйлаб чиқардим. Светани ўзидан 3 ёш катта опасиям бор, у ҳам ўзбек йигити билан юриб турмуш қуришган, жажжигина фарзандлари бор.

Икки ойлардан кейин хаёлан кўчада кетаётганим икки дугонаимни кўрмай ўтиб кетибман. Дугоналарим мени тўхташиб хол-ахволимни, йўқолиб кетган табассумим сабабини сўради. Аввалига айтгим келмади. Ўз обрўйимни тушуришни истамадим. Ўшанда нима сабаб-

дан ўғил болалар ўзбек қизларига қараганда рус қизлари билан бемалол чиқишиб кетишини сўрадим. У кулиб шундай жавоб берди: Рус қизлари билан гаплашиш осон. Улар уялиб туришмайди, фикрларини очик айтиб қўя қолишади. Рус қизлари ёқтириб қолишса, йигитга бу ҳақда бемалол айтишади. Ахир ўзбек қизлари ёқтириб қолганда йигитга тўғри бориб айта олмайдди. Ўзбек қизлари ор-номус қилишади, уялишади. Ҳаёт эса қизиқ экан, интилишга арзимайдиган нарсага интиларкансан. Сизлар мени ўрнида бўлганингизда қандай йўл тутган бўлардинглар? Энди нима қилишим керак? Ишдан кетайми? Қандай қилсан у йигитни тамоман унутман?

Шунингдек йигитлардан ҳам мана бу саволимга жавоб кутиб қоламан: - "Рус қизлари ўзбек қизларидан қил хати билан афзал?"

**ЛАЗИЗА,
Тошкент.**

ЮРАК ДАРДИ МЕНИ ҚИЙНАЙДИ

Ушбу мактубни ёзаяпман, кўзларимдан ёш тўхтамапти. Ёшим 18да. Оилада энг кенжа ва ягона қизман. Учта акам бор. Шунга қарамай ёшлигимдан табиятан шўҳман. Адажоним ва ойижоним мени кўз қорачиғидай асрайдилар. Ҳамма нарсаим етарли, ўзига туқ оиладанман. Лекин юрак дардим мени қийнайди.

1996 йил илк кулларимдан гўзал кунларидан биринда мен Фарҳод билан танишдим ва у билан дўстлашдик. Дўстлигимиз бора-бора кучайиб, меҳр-оқибат ошиб муҳаббат дарёсида чўмила бошладик. Беғубор қалбимизга севиғи кўёши ишқ нуруларини таратиб бизни иписиз боғлар эди. Биз шунчалар бахтиёр эдик-ки, ҳатто Лайли ва Махжун ҳам, Фарҳод ва Ширин ҳам, Ромео ва Жульетталар ҳам бундай бахтни орзу қилмаганлар. Ушбу кунлар мени бутунлай ўзгартириб, ҳаётга, оламга ўзгача қарар эдим. Ҳаёт ширинроқ, олам гўзалроқ бўлиб кетгандай эди. Бизни кўрганлар ҳавас билан қарашарди, ҳатто ота-оналаримиз бизни кўриб норозилик билдиришмади, ақсинча бахт тилашди.

Лекин ҳаёт ҳар доим ҳам бир хилда кечавермас экан. Бизнинг бахтимиз, бизнинг орзуларимиз бир кунда чил парчин бўлди. Худди кимдир бераҳмларча энди ўсаётган гунчани узиб олгандай, яъни 1997 йил куз кунларида Фарҳод грипп касалигига чалинди. Ахволи оғирлашгани учун уни касалхонага қойлашди. У анча даволанди. Энди ўзига келиб соғая бошлаганди. Бир куни мен уни кўргани касалхонага бордим. Палатада Фарҳод йўқ эди. Хонадагилар уни "ҳозиргина чиқиб кетди" дейишди. Келиб қолар деб ташқарида кутиб турдим. Ярим соат ҳам ўтди, ундан дарак бўлмади. Қидириб ҳовлига чиқдим. У ерда унинг дадаси ва укаси дўхтир билан гаплашиб туришганини кўрдим. Адаси мени кўриб ёнимга келдилар: "Қизим ҳаммамизга сабр-тоқат берсин", - дедилару кўзларидан беихтиёр ёш оқиб кетди. Ҳеч нарсага тушунмай қолдим. Ахир нега, нега? Кеча келганимда 2-3 кунда жавоб беришди, деган эдик. Қулоқларимга ишонмасдим. Бу аччиқ ҳақиқат юрагимни суғуриб олгандай бўлди. Наҳотки йўқ, ишонгим келмайди, кечачина сени севаман жоним, мени ҳеч ҳам ташлаб кетмайсан", - деган одам бугун ўзи мени ташлаб кетса... Фарҳодимни кўргим, уни овозини эшитгим, сўхбат-

лашгим келди. Уни қаердан излашимни билмайман, қаердан изласам топаман. Нима учун ундай бўлганини ҳамон тушунмасдим. Кейин билсам ўша куни бир эйтиборисиз ҳамшира унга капелница қўйиб назорат қилмай чиқиб кетган. Фарҳод ҳам ҳеч қачон капелница қўйиш вақтида ухламаган, келиб-келиб шу куни ухлаб қолган. Капелницадаги дори тугаганини ва Фарҳод томирига ҳаво тушаётганини ҳеч ким билмаган. Фарҳодимни сақлаб қолишолмади. Ахир ўша ҳамшира ҳам Гиппократ қасамини ичган-ку, нега бефарқ қараган? У биргина одамнинг ўлимига сабаб бўлмаган, балки бир қанча инсонларнинг жонини олди, жигаргўшасидан айирди. Ҳаётга қизиқишим қолмади. Фарҳодсиз яшагим келмасди. Қалбимга чироқ ёкса ҳам ёришмасди. Ҳеч кимни кўргим келмасди. Хаёлан Фарҳодим билан сўхбатлашардим. Орадан салкам 2 йил ўтди. Лекин ҳамон ўша Фарҳодимни соғинаман. Тушларимда у билан узок сўхбатлашардим, уйғонгим келмайди. Тонгда туриб йўғлайман, унсиз йўғлайман.

"Вақт ҳамма нарсаини давоси", деган гапни менимча ҳеч қачон севиб, севилмаган инсон ўйлаб топган бўлса, керак. Мен ҳам 2 ёшга катта бўлдим. Уйимиз совчиларга тўлди. Лекин қандай қилиб мен Фарҳодга берган ваъдаларимни бузиб ўзгача ёр бўламан, буни ҳеч ҳам ақлимга сиғдирилмайман.

Орақдан юрган ҳар бир йигит хатти-ҳаракатида озгина бўлса ҳам Фарҳодга ўхшашлик томонини излайман. Лекин минг афсуски, бу муомала, бу қарашлар, бу хатти-ҳаракатлар фақатгина Фарҳодга хос эди.

Келажақда ким билан турмуш қуришимни билмайман, лекин ким бўлишимни биламан. Уқиб худо хоҳласа дўхтир бўламан ва давосиз касалликларга даво топаман, эйтиборисиз, ўз ишига лаёқатсиз ҳамшираларни умуман медицинага ақинлаштирмайман. Зеро, ҳеч ким бу дунёдан шадид кетмасин.

ФАРҲОДИМ, мени ҳамма ўйлаган ишларимни ниҳоясига етказиб олсам албатта ёнимга бораман. Биз яна бирга бўламиз. Бунга ишонаман!

ЗИЁДА,

**Тошкент шаҳар,
Сирғали тумани**

Оила ва жамият

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

ҲОМИЙ
«Матбуот тарқатувчи»
акциядорлик жамияти

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтирилмайди.

Телефонлар:
Бош муҳаррир — 133-28-20
Котибият — 34-86-91

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 4-й.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.
Манзил: Тошкент, Буёқ Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.35
Босишга топширилди - 21.15

ОБУНА ИНДЕКСИ - {якка обуначилар учун 176
ташкilotлар учун 177

Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0558
33144 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма тобюк.
Баҳоши эркин нарҳда.
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ.
Навбатчи — Н. ЙҮЛДОШЕВА.